ШАҲАРГА БЎЙЛАШГАН ҚИШЛОҚЛАР

Шу ҳудудда яшовчи аҳоли сотиб олган мазкур хонадонлар ихчамлиги, яшаш учун қулайлиги, шароити етарлилиги билан эгаларига маъқул бўлди.

3 бет

САВОБ ИШЛАР САОДАТИ

Мурожаатлар сони кўпаяётгани жамғармамизга бўлган эътибор, ишонч тобора ортиб бораётганидан далолат беради. Бундай ишонч эса фаолиятимизни янада такомиллаштириш, самарадорлигини оширишни тақозо этади.

4 бет

ТЎЙИНГ ШУНДАЙ ДАБДАБАЛИ БЎЛСИНКИ...

Сарполар жуда қимматбаҳо ва антиқа бўлди, энди буюртма берилган мебелни олиб келишса, бас. Ахир, келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр, деб бежиз айтишмаган-да.

6 бет

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

Mahalla

44 (750)

ISSN 2010-7013

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри | 2010 йил 11 ноябрь. Пайшанба | 1996 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ, МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ ВА ЖИҲОЗЛАШ БЎЙИЧА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ва мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш натижасида республикада халқаро стандартларга мос келадиган узлуксиз мажбурий умумий ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг 12 йиллик тизими вужудга келтирилди. 1536 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, амалда барча умумтаълим мактаблари, таълим муассасалари қошидаги 1817 та спорт заллари намунавий лойиҳалар асосида барпо этилди, мукаммал реконструкция қилинди ҳамда замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, мебель ва ўқув асбоб-анжомлари билан жиҳозланди.

Таълим муассасаларининг барпо этилган моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш ва муттасил янгилаб боришни таъминлаш, уларни тизимли асосда энг замонавий компьютер техникаси, ўқув-лаборатория ускуналари, мебель ва асбоб-анжомлар билан қайта жиҳозлашни, шунингдек, илғор таълим технологиялари ва ахборот-коммуникация тизимларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасини тугатиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғарманинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Жамғармага келиб тушаётган маблағларни кейинчалик улардан таълим муассасалари – умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) мақсадида фойдаланиш учун жамлаш;

таълим муассасаларини реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш, шу жумладан, зарур ҳолларда ўқув корпусларини ўқув устахоналари ва лабораториялар билан кенгайтириш, спорт заллари ва майдончаларини ҳамда бошқа инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича ишларни молиялаштириш;

замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, тасдиқланган нормативлардан келиб чиқиб, таълим муассасаларини энг янги ўқув-лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер техникаси ҳамда ахборот-коммуникация таълим технологияларининг бошқа элементлари билан, шунингдек, ўқув мебели ва асбоб-анжомлари билан тизимли қайта жиҳозлаш ҳамда тўлиқ жиҳозлашни молиялаштириш.

3. Белгилаб қўйилсинки, тугатилаётган бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасининг барча актив ва пассивлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармага топширилади.

4. Қуйидагилар Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғарманинг даромадларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Жамғармага қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбурий ажратмаларни тўлашдан тушадиган маблағлар;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бюджетдан ташқари маблағлари;

халқаро молия институтлари ҳамда бошқа хорижий донорларнинг грантлари ва имтиёзли кредитлари (қарзлари);

хайрия қилувчилар – юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг маблағлари;

(Давоми 2-саҳифада)

Инқирозга қарши чоралар дастури – амалда

Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги "Сурхонтекс" қўшма корхонасида йилига 5 минг тонна пахта хомашёси қайта ишланади. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган ва маҳсулотлари асосан экспортга чиқарилаётган корхонада жорий йилнинг ўтган даврида 6 миллиард сўмлик юқори сифатли ипкалава тайёрланди. Бу ерда меҳнат қилаётган 500 нафардан зиёд ишчи-хизматчининг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этади.

СУРАТДА: *лаборатория ходимаси Ўғилшоҳ Абдураимова.*

Фарҳод Абдурасулов (ЎзА) олган сурат.

Раёсат йиғилишларида

ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИ САРҲИСОБИ

«Маҳалла» хайрия жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқарувининг жорий йил 9 ой якунига бағишланган Раёсат йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда жамғарманинг ҳудудий бўлинмалари раислари ва бошқа ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Унда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижроси ҳамда жамғарма иш режасини таъминлашда ижобий ютуқлар қўлга киритилганлиги эътироф этилди. Жумладан, ўтган давр мобайнида 128 ёш келин-куёвнинг никоҳ тўйи ўтказиб берилди. Бу ишларга 14 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Шунингдек, 38 та кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол ҳадя этилди.

ИСЛОҲОТ САМАРАЛАРИ > [3]

Ҳафта мавзуси

ЖАМҒАРМА РЕСПУБЛИКА БОШҚАРУВИДА

"Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқарувининг навбатдаги йиғилишида Президентимизнинг 2010 йил 4 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши ижро учун қабул қилинди.

Унга биноан, Конституция қабул қилинган кунни нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни муносиб тарзда ўтказиш бўйича республика бошқаруви Раёсати қарори лойиҳасини тайёрлаш, махсус ишчи гуруҳи тузиш ва чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш масаласи муҳокама этилди.

"Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол маҳалла оқсоқоли" кўрик-танловини ўтказиш бўйича Низом лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ушбу танловни вилоятлар даражасида жорий йилнинг 5 декабригача ўтказиш ва ғолибларни муносиб рағбатлантириш лозимлиги таъкидланди.

Ҳамкор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўтказилаётган "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" республика кўрик-танловининг якуний босқичида иштирок этиш учун ҳудудий бўлимлардан тақдим этилган номзодларнинг ҳужжатлари комиссия аъзолари ўртасида ўрганиб чиқилиб, муносиб топилган номзоднинг ҳужжатлари республика Маънавият тарғибот марказига тақдим этилиши айтиб ўтилди.

Фуқаролар йиғинларига зарур шарт-шароитлар яратиш, амалий ва услубий ёрдамлар кўрсатиш, йиғинлар ва улар комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиб, амалга ошириш юзасидан 9 ой якунларида белгиланган топшириқлар ижроси жиддий назоратга олинишини зарурлиги уқтирилди.

Мухбиримиз.

Қарор ва ижро

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК ИФОДАСИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар инсон манфаатларига хизмат қилаётир.

Билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолганларни тўғри йўлга солиш, хатосидан тегишли хулоса чиқариб, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун имконият бериш – халқимизга хос эзгу фазилатлардандир. Давлатимиз раҳбари тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг шу йил 28 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори юртимизда бағрикенглик, кечиримлилик, инсонпарварлик тамойиллари устуворлигининг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

Айни кунларда тегишли идоралар томонидан жойларда мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Пойтахтимизда ҳам жазони ўташ жойларидан озодликка чиқарилганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хусусан, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ишга жойлаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратилаётир.

Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасидан маълум қилишларича, жазони ўташ муассасаларидан уйига қайтган меҳнатга лаёқатли юздан ортиқ фуқаронинг аксарияти туманлардаги бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари кўмагида ишга жойлашди. Туманлардаги ижтимоий кўникма марказларига ариза билан мурожаат қилган 110 нафар собиқ маҳкумга моддий ёрдам берилди, бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари, Республика «Маҳалла» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа мутасадди идоралар ва-киллари ҳамкорлигида маҳаллаларда жазони ўташ жойларидан озод этилган шахсларнинг оилаларидаги шароит ва муҳит ўрганилмоқда. Собиқ маҳкумларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, қайта жиноят йўлига киришининг олдини олиш бўйича профилактика ишлари олиб борилмоқда.

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманида яшовчи Жамшид Юсупов 2009 йилнинг ноябрь ойида содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этилган эди. Жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган бу йигит амнистия туфайли кўпчилик вояга етмаганлар қатори уйига қайтди. Саноат касб-ҳунар коллежидаги ўқишининг тиклангани унинг ҳаётта, жамиятга, инсонларга бўлган муносабатини буткул ўзгартирди.

– Панжара ортида ўтган кунларим мен учун унутилмас сабоқ бўлди, – дейди Жамшид. – Энди ҳаётда ўз ўрнимни топишга, ўзим қизиққан соҳа бўйича коллежда берилаётган билимни пухта эгаллашга, менга кўрсатилган ғамхўрлик ва билдирилган ишончни оқлашга, эл-юртимизга муносиб фарзанд бўлишга аҳд қилдим.

Шу туманда истиқомат қилувчи яна бир собиқ маҳкум Абдумажид Абдувоҳидов шаҳардаги «Шарқ тижорат сервис» корхонасида иш бошлади.

– Қилган хатоим туфайли нафақат ўзим, оила аъзоларим ҳам анча жабр чекди, – дейди А.Абдувоҳидов. – Энди мазкур корхонада ҳалол меҳнат қилиб, оилам ва юртимга наф келтиришга, фарзандларимни эл-юрт корига ярайдиган инсонлар этиб тарбиялашга астойдил ҳаракат қиламан.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири

Эҳтиром

МЕҲР-МУРУВВАТ ВА САХОВАТ АЙЁМИ

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маънавиятни юксалтириш, умрбоқий анъана ва қадриятлар, урф-одатларни тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ислом дини қадриятларини тиклаш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар маънавий юксалишнинг муҳим йўналишларидан бирига айланаётир.

Таъкидлаш жоиз, бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатлар давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳали собиқ мустабид тузум ҳукмронлиги даврида ёқ бошланган эди. Хусусан, 1991 йил 20 июнда Президентимиз Ислом Каримовнинг "Диний байрам – Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида"ги фармони эълон қилингани ҳам бунинг ёрқин далилидир. Ушбу ҳужжатга биноан Қурбон ҳайити шундан буён юртимизда ҳар йили кенг нишонланади.

Мамлакатимизда фуқаролар учун виждон ва эътиқод эркинлиги Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган. Бош қомусимизнинг 31-моддасида ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланиши, ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга экани белгиланган. Конституциямизнинг ушбу моддаси мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидаги муҳим тамойил бўлиб, айни пайтда жамиятнинг барча аъзолари ўртасидаги тинчтотувлик ва диний эркинликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Инсоният тамаддуни бешикларидан бири сифатида эътироф этилган диёримиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Мотуридий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий каби буюк алломалар ислом маданиятини равнақ топтиришга беқиёс ҳисса қўшганлар. 2007 йилда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши ҳам халқимизнинг ислом дини ривожига қўшган ҳиссасининг халқаро эътирофидир.

Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида «муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, туҳмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда», дея таъкидлайди. Сир эмас, бугун ислом дини ва диний ақидапарастликни бир-биридан фарқлай олмаслик, оқибатда турли ғаразли мақсадларда ислом динидан фойдаланиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Ислом динини ниқоб қилиб айрим ёшларимизни тузоғига илинтираётган ва манфур ишларни амалга ошираётган кимсалар ҳам йўқ эмас.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

Ифтихор

МАТОНАТ ВА ИРОДА ҒАЛАБАСИ

«Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон учун, унинг бахту камоли учун хизмат қилмоғи керак». Президентимиз Ислом Каримов томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг илк йилларида илгари сурилган бу ғоя асосида юртимизда беқиёс ишлар амалга оширилди.

Кам таъминланган оилалар, якка-ёлғиз кексалар, ногиронлар, моддий-маънавий эҳтиёжманд кишиларга давлатимиз томонидан кўрсатилган эътибор натижасида улар фаол турмуш тарзига жалб этилди. Айниқса, мамлакатимизда ногиронларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишга алоҳида эътибор берилаётгани натижасида минглаб имконияти чекланган инсонлар нафақат оддий ҳаёт қучоғида, балки халқаро спорт мусобақаларида иштирок этиш, истеъдодини намойиш қилиш бахтига мушарраф бўлишмоқда.

Яқинда Аргентинада футбол бўйича ногиронлар ўртасида ўтган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари яратилган шарт-шароитлардан самарали фойдаланиб, олис океан ортида Ватан шарафини улуғлашди. Улар матонат ва жасорати билан барча рақибларини мағлуб этиб, чемпионлик шоҳсупасига кўтарилишди. Спортчиларимизнинг ғалабаси шарафига Аргентина мамлакатида Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.

СПОРТ > [8]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ, МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ ВА ЖИҲОЗЛАШ БЎЙИЧА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми, боши 1-саҳифада)

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

5. Белгилансинки, Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасини бошқаришнинг юқори органи ҳисобланади.

Қуйидагилар:

Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш таркиби 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сонини 4 нафарга кўпайтирган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг марказий аппарати таркибида бошқарув ходимлари сони 7 нафардан иборат Жамғарма Ижроия дирекциясининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қуйидагилар:

ҳудудий молия бошқармаларининг тузилмасида молия органлари бўйича белгиланган бошқарув ходимлари сони доирасида 2 нафар ходимдан иборат Жамғарма маблағларини ҳисобга олиш, улардан фойдаланишни таҳлил ва мониторинг қилиш шўъбаси;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси тузилмасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппаратининг белгиланган ходимлар сони доирасида 3 нафар ходимдан иборат Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат шўъбаси;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигининг операцион бошқармаси тузилмасида 2 нафар ходимдан иборат ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича Газначилик бошқармаларининг операцион бўлимларида молия органлари учун белгиланган ходимларнинг умумий чекланган сони доирасида 1 нафар ходимдан иборат шўъба;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тузилмаларида бошқарув ходимлари сони марказий аппаратларда 3 нафардан иборат бўлган таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)нинг манзилли рўйхатларини шакллантириш ва мониторинг қилиш гуруҳлари ҳамда уларнинг ҳудудий бошқармаларида мазкур тузилмаларнинг белгиланган бошқарув ходимлари сони доирасида 2 нафардан иборат тегишли шўъбалар ташкил қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг тузилмасига туман (шаҳар) молия бўлимларидаги тегишли лавозимларни қисқартириш ҳисобига таълим муассасалари биноларининг техник ҳолати, инфратузилмаси ва жиҳозланиши масалалари бўйича 1 нафардан мутахассис (муҳандис) лавозимини киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг маблағларидан, айниқса, таълим муассасаларини замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва анжомлар билан тўлиқ жиҳозлаш бўйича аниқ мақсадни кўзлаб ва оқилона фойдаланиш устидан тизимли асосда доимий мониторинг олиб борсин.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг иштирокида ҳудудлар бўйича таълим муассасаларини реконструция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашга оид таклифларни шакллантирадилар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини тасдиқлаш учун белгиланган муддатдан уч ой олдин мана шу таклифларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига киритадилар;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига келиб тушадиган маблағлар доирасида Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш Дастурининг узил-кесил параметрларини шакллантирадилар ҳамда уни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг лойиҳаси киритиладиган муддатларда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этадилар;

Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш Дастури ҳар йили тасдиқланадиган Инвестиция дастурига мустақил бўлим сифатида киради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда икки ҳафта муддатда Жамғарма тўғрисидаги Низомни ҳамда Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг ҳар йилги Дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Тартибини тайёрласин ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Қуйидагилар:

Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган таълим муассасаларини реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича буюртмачи вазифаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати зиммасига;

таълим муассасаларини жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) бўйича буюртмачи вазифаси, берилган ваколатлар доирасида, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг иштирокида ҳудудлар бўйича таълим муассасаларини реконструция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг ҳар йилги Дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Тартибини тайёрласин ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситалари Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган тадбирларни, таълим муассасаларининг барпо этилган моддий-техника базаси негизида замонавий таълим технологияларидан ўқув жараёнида фойдаланишнинг ижобий тажрибасини кенг ёритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси тўғрисидаги Низомни, таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг ҳар йилги Дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Тартибини, шунингдек, таълим стандартларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, мебель ва анжомлар билан жиҳозлашнинг янгиланган нормативларини тасдиқласин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 10 ноябрь

2010 йил — Баркамол авлод йили

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ ВА АНЪАНАЛАР РУҲИДА

Ўзбек халқи болажон. Миллатимизга хос эзгу фазилатлардан бири — оилада фарзандларнинг ёшлигидан руҳий, ақлий ва жисмоний тарбиясига алоҳида аҳамият берилади. Ҳар қандай миллат ҳам ўз келажагини жисмоний ва маънавий етук ёшларда кўриши табиий. Давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлган баркамол авлод тарбияси учун қайғуриш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда орзу-мақсадларини рўёбга чиқаришга имконият, шарт-шароит яратиб бериш ҳар бир маҳалла, оила, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

Бу ишларни амалга оширишда маҳалланинг ўрни беқиёс. Шунингдек, вояга етмаган ёшлар ўртасида турли ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишда, уларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиб, ватанпарварлик, юртга садоқат руҳида тарбиялашда маҳалла фаоллари, ёшлар билан ишлаш комиссияларининг, маҳалла маслаҳатчиси, профилактика нозири, посбонларнинг роли, шунингдек, оила ва мактаб ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада вилоятимизда ҳам талайгина ибратли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Фарғона шаҳрининг Нодирабегим номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 17-умумтаълим мактабида кўпдан буён яхши бир анъана бор. Бу ерда маҳалла фаоллари, бой ҳаётий тажрибага эга ёши улуғ кишилар, зиёлилар иштирокида тез-тез турли маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирлар ўтказилиб турилади. Балки шу боис бўлса керак, кейинги йилларда мактабнинг 800 нафардан зиёд ўқувчиси ва маҳалла ёшлари ўртасида бирорта ҳам ҳуқуқбузарлик ҳолати рўйхатга олинмади.

Бағдод туманида ёшларнинг спортга бўлган иштиёқи жуда баланд. Бу ерда ҳар бир мактаб ўйингоҳи кўрган кўзни қувонтирадиган даражада чиройли таъмирланган. Туманнинг ёш футболчилари "Футболимиз келажаги" спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, республика босқичида ҳам фахрли ўринларни қўлга киритишди. Қувасой шаҳрида Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги олдидан замонавий услубда бунёд этилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда шаҳарнинг 2 минг нафардан зиёд ёшлари йигирмадан ортиқ турли спорт тўгаракларига жалб қилинган.

Фарғона — қадимдан отабоболаримизнинг ўлмас қадрият ва анъаналари кўз очган диёрлардан бири. Ҳатто фарзандларига ҳам сизлаб мурожаат этиш анъанаси боқий яшаётган бу заминда азалдан таълим ва тарбиянинг буюк сарчашмалари мавжуд. Шу боисдан ҳам, "Бир зиёли ўн оилага маънавий ҳомий", "Бир болага етти маҳалла ота-она", "Баркамол авлод — юрт келажаги", "Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир" каби кўплаб мавзуларда вилоятимизнинг пешқадам олимлари ва зиёлилари иштирокида ўтказилаётган суҳбатлар ва турли учрашувлар ёшларимизни маънавий жиҳатдан етук этиб камолга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида оила, унинг жамиятимиздаги ўрни, истиқлол йиллларида оилани такомиллаштириш борасида собитқадамлик билан амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича мулоҳаза юритилган. Асарда оила муҳити соғлом экан, жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан, мамлакат барқарордир, деган эзгу ғоя турли мантиқий мулоҳаза ва далиллар орқали исботлаб берилган. "Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шакилланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар — яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир", дейилади асарда.

Боланинг яхши-ёмонни ажратиб, оқ-қорани англай бошлаши, ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларни кузатиб, таҳлил қилиши айнан оилада шаклланади. Ота-она, бобо-буви, ака-ука, опа-сингил ва умуман яқинларига меҳр-муҳаббат, ҳурмат, аввало, оилада қарор топади. Шарқда инсон шахсини оила муҳитининг таъсирисиз тасаввур қилиш қийин.

Шу маънода оилада фарзандларимизни миллий қадрият ва анъаналар руҳида тарбиялашимиз, уларга тарихимизни, буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаётини сингдира боришимиз зарур. Бу айни дамда бир кун, бир лаҳза бўлса ҳам, кечиктириб бўлмас вазифаларимиз сирасига киради.

Акрамжон ЮЛБАРСОВ,
"Маҳалла" жамғармаси Фарғона вилоят бўлими раиси.

Матбуот анжумани

"ТАЛАБАЛАР ФЕСТИВАЛИ"ГА ҲОЗИРЛИК

© фото-Носир Ҳайдаров

Куни кеча Ўзбекистон "Камолот" ЁИҲ Марказий Кенгаши ҳамда Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида 2010 йил — Баркамол авлод йили муносабати билан ташкил этилаётган "Талабалар фестивали"ни ўтказишга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Анжуманда бир қатор мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари ва кенг жамоатчилик иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар республика миқёсида олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ташкиллаштирилиши режалаштирилаётган "Талабалар фестивали"нинг ёшлар ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти хусусида атрофлича маълумотлар беришди.

— Мазкур фестивални ташкил этишдан мақсад олий таълим муассасалари талабалари орасидан иқтидорлиларини аниқлаш, ёш олимлар интилиши ва изланишларини қўллаб-қувватлаш, илм-фан соҳасида эришаётган ютуқларини рағбатлантириш ҳамда ёшлар ўртасида оммалаштириш, қолаверса, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишдан иборат, — дейди "Камолот" ЁИҲ Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф. Муҳамеджонова. — "Талабалар фестивали" дастлаб 2008 йили Самарқанд шаҳрида "Талабалар баҳори" шиори остида ташкил этилганида ёшлар бу тадбирни илиқ қарши олиб, унда фаол иштирок этишганди. Бу йил ушбу фестивалнинг очилиш маросимини 19-23 ноябрь кунлари Бухородаги "Қўҳна ва боқий Бухоро" мажмуаси ҳудудидаги Бухоро мусиқали драма театри биносида ўтказиш режалаштирилмоқда. Фестивалда республикамиздаги 73 та олий таълим муассасасидан 500 нафардан зиёд иқтидорли талаба, ёш олимлар иштирок этиши мўлжалланган.

Дарҳақиқат, ташкиллаштирилаётган ушбу тадбир доирасида "Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг ўрни", "Ёшлар ва мамлакатни инновацион ривожлантириш" мавзуларида конференциялар, шунингдек, "Соғлом турмуш тарзи — ёшларни уйғун камол топтириш гарови" спорт соғломлаштириш акцияси ҳамда экологик тадбирлар ҳам ўтказилади.

Фестивал якунида ҳамкор ташкилотлар томонидан "Камолот" ЁИҲнинг ёш олимлар учун стипендияси ҳамда мазкур ўқув йилидаги "Камолот" таълим гранти ва "Камолот" стипендияси совриндорлари тақдирланади. Шунингдек, тадбир доирасида фаол иштирок этган талаба-ёшларни ҳам муносиб рағбатлантириш кўзда тутилган.

Ўзаро савол-жавоб тарзида бўлиб ўтган матбуот анжумани сўнгида тадбир ташкилотчилари оммавий ахборот воситалари ходимларини қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Р.ШЕРҚУЛОВ.

Эҳтиром

МЕҲР-МУРУВВАТ ВА САХОВАТ АЙЁМИ

< [1]

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни зарарли иллатлардан, турли ҳалокатли таҳдидлар, диний ва экстремистик таъсирлардан ҳимоя қилиш йўлида амалга оширилаётган ишлар бундай кучларга қарши курашишда муҳим омил бўлаётир.

Ислом дини моҳиятан инсонни эзгулик, тинчлик ва тотувликка чорлаб келади. Руҳий покланиш, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшаш сингари инсоний фазилатлар ҳам ислом динининг асосий мақсадларидандир. Ислом динига оид бой маънавий-маданий меросни асраб-авайлаш, диёримиздан етишиб чиққан буюк алломалар асарларини тадқиқ қилиш, ёш авлодга етказиш, уларнинг юбилейларини нишонлаш, муқаддас динимизни пок сақлаш ёшларда турли таҳдидларга қарши туриш кўникмаларини тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган Тошкент ислом университетида ёшлар дунёвий, диний-маърифий фанлар бўйича сабоқ олмоқда. Имом Бухорий халқаро марказида эса ислом дини тарихи ва фалсафаси, алломанинг илмий меросини халқаро миқёсда ўрганиш йўлга қўйилган.

Мамлакатимизда ислом динининг барча арконларини, жумладан, муборак ҳаж сафарини адо этиш учун кенг имкониятлар яратилди. Истиқлол йилларида юз мингга яқин юртдошимиз ҳаж зиёратини адо этишга муяссар бўлди. Бу йил ҳам беш мингдан зиёд ҳамюртимиз муборак ҳаж зиёратини амалга ошириш учун Саудия Арабистонига жўнаб кетди. Улар зиёратни тўла-тўкис амалга ошириши учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган. Ҳожиларимизга турар-жой, тиббий хизмат кўрсатиш борасида барча зарур чоралар кўрилган.

Президентимизнинг 2010 йил 9 ноябрда эълон қилинган "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ 16 ноябрда юртимизда ушбу муборак айём байрам сифатида кенг нишонланади. Меҳр-мурувват, ўзаро ёрдам, саховат каби эзгу амаллар бажарилади-ган Қурбон ҳайитини кўтаринки руҳда нишонлаш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

— Ҳайит байрами кишиларни бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишга чақириш билан бирга, ўзаро иззат-ҳурмат, саховат кўрсатишга ундайди, — дейди Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Абдураззоқ Юнусов. — Байрамда ота-онаси, яқинларининг, шунингдек, кексалар, беморлар, ногиронлар, етимлар ҳолидан хабар олиш энг яхши амаллардандир.

Ҳайит муносабати билан ёрдамга муҳтож ногиронлар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотганлар, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиниб, "Меҳрибонлик", "Мурувват" ва "Саховат" уйларига моддий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Бундай хайрли амаллар юртдошларимиз ўртасида меҳр-мурувват ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

— Вилоятимизда ҳам ҳайит байрамини кўтаринки руҳда нишонлашга катта тайёргарлик кўрилмоқда, — дейди «Нуроний» жамғармаси Андижон вилояти бўлими раиси Таваккал Топволдиев. — Жойларда меҳр-мурувват ва хайр-саховат тадбирлари амалга оширилмоқда. Байрам арафасида туман ва шаҳарларда 1700 нафарга яқин ногирон, ёрдамга муҳтож кишилар, уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ишлари давом этмоқда. Нуронийларимиз бош бўлиб, кенг жамоатчилик иштирокида масжидлар, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилмоқда, маҳаллаларда ҳашарлар ўтказилаётир.

Юртдошларимиз байрамни тинч ва осойишта ўтказиши учун тегишли идора ва ташкилотлар томонидан барча техник ва хавфсизлик чоралари кўрилган. Ҳайит намози ўқиладиган масжидларнинг техник ҳолатини мос равишда ташкил этиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилган ҳолда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Тинчлик-хотиржамлик, меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, ҳиммат ва саховат каби анъаналар юртимизда мустаҳкам қарор топган. Мана шундай фарахбахш кунларда ҳар биримизнинг қалбимизда шукроналик ва шодумонлик туйғуси жўш уриши шубҳасиз. Шу маънода, муборак Қурбон ҳайитининг юртимизда кенг нишонланиши тинчлик ва осойишталикнинг, қўлга киритаётган бемисл ютуқларимизнинг шукронасидир.

Ҳусниддин БЕРДИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

Жамғарма кўмагида

ШАРТНОМА ПУЛИ ТЎЛАНДИ

"Маҳалла" хайрия жамғармасининг Сурхондарё вилояти бўлими томонидан кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури ҳамда жамғарма иш режасида белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида олий ўқув юртларида таҳсил олаётган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандлари, етим ва жисмоний имконияти чекланган 27 нафар талабанинг ўқув шартнома пули тўлаб берилди. Жумладан, Узун туманидаги "Оқ тумшуқ" маҳалласида истиқомат қилаётган Шафоат Норбанов, Термиз шаҳридаги "Ўзбекистон" маҳалласида яшовчи Сергей Низомов, Қумқўрғон тумани "Пастғам" маҳалласида истиқомат қилувчи Чори Абдуллаев жамғарма томонидан кўрсатилаётган бундай ғамхўрликдан мамнун. Бу саъй-ҳаракатлар учун 17 миллион сўм сарфланди.

Асқар БЕККАМОВ.

Республикамиз маҳаллаларида

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

"Маҳалла" хайрия жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқарувининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда ташкилий масала кўриб чиқилди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси аппарати бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатиб келган Нурлибой Қайипберганов жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви раиси этиб сайланди.

Тадбирда жамғарма республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Р.Шералиев иштирок этди.

Мухбиримиз.

«МУРУНТОҒ»ЛИК ЁШЛАР ҚУВОНЧИ

Навоий вилоятининг Зарафшон туманидаги "Мурунтоғ" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ҳомий ташкилотлар, тадбиркорлар ташаббуси билан замонавий спорт мажмуаси қуриб фойдаланишга топширилди. Мажмуада барча шарт-шароитлар мавжуд. Бундай ишларни амалга ошириш мақсадида 79 миллион сўм маблағ сарфланди.

— Спорт мажмуаси болалар ва ўсмирлар учун ажойиб туҳфа бўлди, — дейди "Мурунтоғ" маҳалласи оқсоқоли С.Бобомуродов. — Ёшларнинг бўш вақтларини намунали ташкил этиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашда мажмуанинг ишга туширилгани айни муддао бўлди.

Эндиликда бу мажмуада машғулотлар зали, миллий кураш, стол тенниси, баскетбол, волейбол, минифутбол секциялари фаолият кўрсата бошлади.

Д.РАЗЗОҚОВА,
"Mahalla" мухбири.

Қишлоқдаги шинам уй

ШАҲАРГА БЎЙЛАШГАН ҚИШЛОҚЛАР

Тўрақўрғон туманидаги «Чусткўприк» маҳалласида миришкор деҳқон ва боғбонлар кўпчиликни ташкил этади. Айниқса, ўз томорқасидан йилига беш-ўн миллион сўмлаб даромад топадиган соҳибкорлар деярли ҳар кўчада бор. Ана шундай ҳалол меҳнат ортидан уй-жойларини кўркам, замонавий қилиб олганлари эса саноқсиз. Шу боис маҳаллага кирган одам борки, бу ердаги шинам, ораста, кўркам биноларни кўриб қувонади. Бироқ ҳар тўкисда бир айб деганларидек, ҳамманинг ҳам диди ва имконияти бир хилда бўлавермайди...

Эндиликда маҳалла аҳлини қувонтирган яна бир янгилик юз берди. Яъни «Чусткўприк» маҳалласи ҳудудида намунавий лойиҳалар асосида эллик-та турар-жой биноси қурилиши жадал суръатлар билан бошлаб юборилди. Умумий смета қиймати уч миллиард эллик тўрт миллион сўм бўлган мазкур бунёдкорлик ишларини «Зиё қурувчи устоз», «Тўрақўрғон Аброрбек қуриш-таъмир», «Тўрақўрғон тараққиёт қуриш сервис», «Мақсади фаровонлик» каби хусусий корхоналарнинг юздан зиёд қўлигул қурувчилари сидқидилдан амалга оширмоқдалар.

Ўн иккита икки қаватли ва ўттиз саккизта бир қаватли шинам, замонавий уй-жойлар қад ростлаётган маскан яшаш учун қулайлиги билан ажралиб туради. Кун сайин бўй кўрсатаётган хонадонлар эса, пишиқ-пухталиги билан эл оғзига тушмоқда. Чунки мазкур уйларга ҳозирданоқ талабгорлар кўп. Янги массив барпо этилиши баробарида, ҳудудда ободонлаштириш, инфратузилмани шакллантириш ишларига ҳам киришилган.

Наманган туманининг Хонобод қишлоғида ҳам ўтган йили ана шундай коттеж типидаги уй-жойлар қурилиши бошланган эди. Ҳозирда уларнинг 27 таси фойдаланишга топширилган. Шу ҳудудда яшовчи аҳоли сотиб олган мазкур хонадонлар ихчамлиги, яшаш учун қулайлиги, шароити етарлилиги билан эгаларига маъқул бўлди. Бугун Наманган туманининг жанубий айланма йўли ёқасида кўзни қувонтириб турган бундай намунавий лойиҳадаги турар-жойлар сони янада ортмоқда.

— Ҳозиргача фойдаланишга топширилган замонавий бинолар ёнида янгилари қурилмоқда, — дейди Наманган туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Акбарали Ҳасанов. — Қисқа фурсатда яна 28 та коттеж типидаги турар-жой қад ростлади. Сўнгги пардоз ишлари давом эттирилмоқда. Тез орада бу уйларда ҳам ҳовли тўйлари ўтказилади.

Умуман, бу йили Хонобод ва Қумқўрғон қишлоқларида қирқ саккизта замонавий, шинам коттежлар эгаларига топширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 17 июнидаги «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини изчил бажариш асосида Хонобод қишлоғи ҳудудидан ўтувчи Лола-Давлатобод магистрал йўлининг икки томонида яна олтмишта турар-жой бинолари барпо этилиб, бу ҳудуд шинам шаҳарчага айлантирилди.

Намунавий лойиҳа асосида қурилаётган турар-жойларнинг афзалликлари жуда кўп. Энг муҳими, уларга харидор бўлаётганлар учун берилаётган имтиёзлардир. Янги хонадон эгаси уй нархининг 25 фоизини бадал сифатида олдиндан тўлайди. Кейин эса 7 фоизли имтиёзли банк кредитини ўн беш йил давомида тўлаб боради. Битта уй-жой нархи Наманган туманида 58 миллион сўмдан 72 миллион сўмгача тушяпти. Юқоридаги имтиёзни ҳисобга олганда, бу нархлар уй эгаларига манзур бўлмоқда.

Хонободда фойдаланишга топширилган коттежларни томоша қилар эканмиз, бу ерда яшаётган одамларнинг қувончига, миннатдорлигига гувоҳ бўлдик. Табиий газ, электр, ичимлик суви тармоғи тортилган, кўчалар асфальтланган, ҳовлида ҳатто тандиргача қуриб қўйилган. Қисқаси, бекаму кўст хонадонларга ҳавас қилса арзийди. Қишлоқ жойларда барпо этилаётган ана шундай шаҳарчалар сони эса янада ортиб бораверади.

Жамшид Бек,
«Mahalla» мухбири.

Раёсат йиғилишларида

ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИ САРҲИСОБИ

< [1]

Маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини яхшилаш, уларнинг иш самарадорлигини ошириш мақсадида жамғарма томонидан 22 та овул ва маҳалла фуқаролар йиғинига 40 миллион сўмдан ортиқ маблағ эвазига компьютер жамланмалари ҳамда мебель жиҳозлари олиб берилди.

Раёсат йиғилишида оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда тарбиявий аҳамиятга молик тадбирлар мунтазам ўтказиб келинаётгани таъкидланди.

Йиғилишда эришилган ижобий натижалар билан бирга, йўл қўйилган айрим хато ва камчиликлар ҳам муҳокама қилинди. Келгусида ушбу муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Раёсат йиғилишида «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Р.Шералиев иштирок этди.

Жамғарманинг Бухоро вилояти бўлимида ўттан тўққиз ойлик якунларига бағишланган Раёсат йиғилишида бўлим раиси Беҳбуд Жумаев тизимда эришилган ютуқлар ҳақида гапирди.

Хусусан, Давлат дастури доирасида жамғарма томонидан болалар спорт майдончалари инвентаризациядан ўтказилиб, 22 та майдонча қайта таъмирланди.

Шунингдек, фуқаролар йиғинлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун маҳаллаларга 39 дона компьютер жамланмаси, 27 та мебель жиҳозлари мажмуи олиб берилди. Уйда таҳсил олувчи имконияти чекланган болаларнинг 16 нафарига ҳам компьютер жамланмаси туҳфа этилди.

Шунингдек, йиғилишда Раёсат аъзолари томонидан айрим бўлинмаларда Хотин-қизлар билан ишлаш, Яраштириш комиссиялари фаолиятини жонлантириш лозимлиги, хатлар билан ишлаш борасида хато ва камчиликларга йўл қўйилаётгани ҳам таъкидлаб ўтилди.

Жамғарманинг Жиззах вилояти бўлими Раёсатининг бўлим мутасаддилари ҳамда ҳудудий бўлинмалари раислари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ўттан 9 ойлик якунларига бағишланган йиғилишида бўлим раиси Муқим Ҳасанов сўзга чиқди. У йил дастури ва жамғарма иш режасида белгиланган устувор вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида гапирди.

«Соғлом она — соғлом бола» дастури доирасида маҳалладаги мавжуд ўйингоҳ ва болалар спорт майдончалари мониторинги ўтказилиб, спорт майдончаларини таъмирлаш, жиҳозлаш ва ободонлаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Шунингдек, маҳалла оқсоқоллари ва маслаҳатчиларининг фаол иштироки ҳамда тиббиёт муассасалари ходимлари ҳамкорлигида 300 минг нафарга яқин хотин-қиз тиббий кўрикдан ўтказилди.

Жиззах шаҳри, Зомин, Ғаллаорол, Бахмал ва Фориш туманларида ўтказилган меҳнат ярмаркаларида 174 нафар ёш иш билан таъминланди. Касаначилик ва оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш орқали 290 нафар фуқаро ишли бўлди. Имконияти чекланган 17 нафар мактаб ўқувчиси ва талабага компьютер жамланмалари олиб берилди. Бунинг учун жамғарманинг вилоят бўлими ҳисобидан 23,5 миллион сўмлик маблағ ажратилди. 44 та кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол ҳадя этилди.

Жамғарманинг Навоий вилояти бўлими томонидан ҳам ўтган 9 ой давомида салмоқли ишлар амалга оширилди. Айниқса, Баркамол авлод йили муносабати билан турли ташкилотлар ҳамкорлигида маҳаллаларда 410 марта аҳоли ва ёшлар ўртасида терроризм, диний экстремизм ва бошқа маънавий таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ташкиллаштирилди. Бундан ташқари, ёшларни "оммавий маъданият" таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган 400 га яқин давра суҳбати ташкил этилди.

Шунингдек, Вилоят миқёсида 37 нафар жисмоний имконияти чекланган болани уйида қўшимча равишда ўқитиш учун жамғарманинг бўлим ва бўлинмалари ҳамда ҳомийлар томонидан компьютер жамланмалари олиб берилди ва "ZiyoNet" интернет тармоғига уланди.

Мажлис кун тартибидаги масалалар таҳлилий, ўзини ўзи танқид руҳида муҳокама этилди.

«Маҳалла» жамғармаси Самарқанд вилоят бўлимининг 9 ой якунларига бағишланган Раёсат йиғилишида «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг тизимдаги ижроси таҳлилига алоҳида эътибор қаратилди. Давлат дастури асосида тузилган жамғарма вилоят бўлими иш режасининг бажарилиши бўйича бўлим раиси ўринбосари А.Муҳиддинов ҳисобот берди.

Йиғилишда «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон», деган эзгу даъватга амалий жавоб бериш лозимлиги таъкидланди. Кам таъминланган оилаларни, иқтидорли ёшларни, якка-ёлғиз қарияларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг аҳволидан хабардор бўлиб туриш лозимлиги қайд этилди.

Раёсат йиғилишида «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ижрочи директори А.Ўринбоев иштирок этди.

Гулистонда «Маҳалла» жамғармаси Сирдарё вилоят бўлимининг 9 ойлик якунларига бағишланган Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда жамғарманинг вилоят бўлими томонидан Давлат дастури ижросини таъминлашда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди. Айниқса, фуқаролар йиғинларида Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, шу жумладан, ёш авлодни маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш бўйича 1400 дан зиёд давра суҳбатлари, семинар ва мулоқотлар уюштирилди.

Раёсат йиғилишида қишлоқ ва маҳаллаларда ободонлаштириш, йиғинлар ҳудудларини тоза сақлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Айниқса, Мустақиллик байрами арафасида "Энг обод туман маркази", "Энг обод қишлоқ", "Энг обод маҳалла" номинациялари бўйича кўрик-танлов ташкил этилиб, бундан кутилган асосий мақсад танлов орқали бўлинмалар, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўлди. Кўрик-танлов натижасига кўра Боёвут туман бўлинмасига энг олий соврин — «Матиз» автомобили, Ширин ва Янгиер шаҳар бўлинмалари рангли телевизор ва мусиқа маркази, 3 та маҳаллага компьютер жамланмаси, 3 та қишлоқ фуқаролар йиғинига мебель жиҳозлари совға қилинди.

Раёсат йиғилишида эришилган ижобий ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Жамғарманинг Тошкент вилояти бўлими томонидан ҳам ўтган 9 ой давомида самарали ишлар амалга оширилгани бўлим Раёсат йиғилишида алоҳида таъкидланди.

Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллаларда дастурнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, жумладан, ёш авлодни маънан ва жисмонан баркамол этиб тарбиялашни кенг тарғиб қилиш юзасидан 1584 тадан ортиқ давра суҳбати, мулоқотлар, учрашув ва семинарлар ўтказилгани айтилди.

Хусусан, ҳудудларда болалар спорт майдончалари мониторинги ўтказилиб, Ангрен шаҳрида 28 та, Олмалиқ шаҳрида 14 та, Қибрай туманида 21 та, Оҳангарон туманида 50 та, Бўка ва Янгийўл туманларида 10 тадан болалар спорт майдончалари қайта таъмирланди. Шунингдек, вилоят бўйича жами 113 та кам таъминланган ёш оилага ҳомийлар маблағини жалб этган ҳолда бепул қорамоллар тарқатилди. Жамғарма тузилмалари томонидан ушбу мақсадларга 100,5 миллион сўм сарфланди.

"Маҳалла" жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлимида 2010 йилнинг ўттан 9 ойи якунларига бағишланган Раёсат йиғилишида жамғарманинг шаҳар бўлими ходимлари ҳамда туман бўлинмалари мутасаддилари иштирок этишди.

Йиғилишда таъкидланишича, шаҳар бўлими ҳамда туман бўлинмалари томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 202 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди. Шунингдек, Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари, фуқаролар йиғинлари фаолиятига оид фармон, қарор ҳамда маърузаларининг мазмун-моҳиятини маҳаллаларда кенг тарғиб қилиш бўйича 500 тага яқин давра суҳбатлари, 350 дан ортиқ семинарлар уюштирилди. Жамғарманинг туман бўлинмалари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари билан биргаликда одам савдосига қарши кураш борасида 59 минг нафардан зиёд аҳоли ва ёшлар иштирокида 3800 та тадбир ташкил этилди. Туман бўлинмалари ва фуқаролар йиғинлари томонидан одам савдоси қурбони бўлган 17 нафар фуқарога турли ёрдамлар кўрсатилди.

Йиғилиш сўнгида Раёсат аъзолари томонидан аниқланган айрим камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Муаммолар маҳаллада ҳал этилади

ЭЗГУ ИШЛАР МАҲАЛЛАДА НАМОЁН

Термиз шаҳридаги "Алпомиш" маҳалласи аҳолиси қайси масалада йиғин идорасига мурожаат қилишмасин, оқсоқол ҳамда маҳалла фаоллари ўзаро кенгашиб, уларнинг муаммоларини ижобий ҳал этишга ҳаракат қилишади.

— Чунки маҳалла идораси фуқароларга биринчи кўмакни берадиган ишонч маскани бўлиши керак, — дейди биз билан суҳбатда "Алпомиш" маҳалласи оқсоқоли Эшқобил Поёнов. — Шу боис ёрдам сўраб келганларга ҳеч қачон бу иш ҳал бўлмайди, деб айтмаймиз. Сабаби, бир марта умиди сўнган инсон бу масканга қайтиб келмайди ва муаммосига ўзича ечим топишга ҳаракат қилади. Баъзида эса бундай ҳол ҳар икки тарафга ҳам зиён келтириши мумкин. Умуман, маҳалламизда айрим муаммолар учраб туради. Шунда ёши улуғ отахону онахонларнинг маслаҳатларига таянаман. Яқинда ҳудудимизда истиқомат қилаётган Ражабой Алиқулова келиб, ўғли шартнома асосида ўқиётгани боис оиласида бироз қийинчилик бўлаётганини айтди. Бу мурожаат шу куниёқ Кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш комиссияси томонидан ўрганиб чиқиб, бу оилага моддий ёрдам ажратиладиган бўлди.

Айни пайтда маҳалладаги 864 та хонадонда 3600 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бундан бир неча йил аввал аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан муаммолар учраб турарди. Истиқлол берган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда алпомишликлар томонидан ҳудудда жуда кўп ибратли ишлар амалга оширилди. Бугун бу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, йиғинда қад ростлаган кўркам савдо дўконлари, 17 та чойхона, 5 та новвойхона, кўплаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг ишга туширилгани аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш билан бирга юзлаб ёшларнинг иш билан таъминланишига ҳам замин яратди. Бу эса ишсизлик борасидаги муаммоларнинг бартараф этилганини кўрсатиб турибди. Бундан ташқари маҳаллада 2 та коллеж, 1 та мактабгача таълим муассасаси, мактаб, меҳрибонлик уйи фойдаланишга топширилган.

— Ёшларнинг соғлом, баркамол бўлиб вояга етишларига алоҳида эътибор қаратганмиз, — дейди оқсоқол. — Шу сабабли уларни кўпроқ спортга жалб қиламиз. Бизда ёшлар спортнинг барча турлари билан шуғулланиши учун шарт-шароит етарли. Жумладан, «Алпомиш» маданият ва спорт мажмуи, 2 та стадион, 1 та очиқ ва 2 та ёпиқ теннис кортлари, чўмилиш ҳавзалари, Алишер Навоий номидаги дам олиш ва истироҳат боғи, амфитеатр ёшлар ихтиёрида.

Маҳалла фаоли Гулноза Қудратованинг айтишича, ҳудудда ўқув марказининг фаолият юритаётгани маҳалла ёшлари учун айни муддао. Ҳозир юзлаб йигит-қизлар ўзлари қизиққан спорт, тикувчилик, тўқимачилик, пазандачилик, ҳунармандлик тўгаракларига қатнашаётган экан. Бу бекорчиликдан келиб чиқадиган турли кўнгилсизликларнинг олдини олишда ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Алпомишликлар ўз кучи, меҳнати орқали маҳалласини обод, кўркам масканга айлантиришаётир. Ҳар йили минглаб гул ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазиб, ҳашар йўли билан эски биноларни таъмирлашаётир. Маҳалла аҳлининг амалга ошираётган кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари самараси ўлароқ, мазкур маҳалла 2002 йил «Энг обод маҳалла» кўрик-танловининг республика босқичида 2-ўрин, 2008 йил «Маҳалламиз тарихи» танловида 3-ўринга лойиқ топилган эди. Зеро, йилдан йилга чирой очиб, яратувчилик ва бунёдкорлик иштиёқида яшаётган инсонлар маскани бўлмиш ушбу маҳаллада ҳар қандай муаммо изчил ечим топаётир.

Нигора ИМОМНАЗАРОВА,
"Mahalla" мухбири.

Истиқлол саодати

Бахмал туманининг Ойқор қишлоғи ободлиги ва кўркамлиги билан кишини ўзига мафтун қилади. Қишлоқ ҳудудидаги еттита аҳоли қўрғонининг ерлари серунум, табиати баҳаво. Тоғ ёнбағридан бошланган анҳорда сувнинг камайганини эслай олмайман. Ойқор тоғини қоплаб ётган қалин қор бу ўзанни муттасил сув билан таъминлаб туради. Қишлоқ ҳудудида ўндан зиёд булоқлар бор, аксарияти шифобахш сувлар манбаидир. Улардан истаганча фойдаланиш имконияти шифобахш сувлар манбаидир.

ШУНДАЙ ЮРТДА ЯШАМОҚЛИК БАХТ

Қишлоғимизда сувдан оқилона фойдаланиш тартиби жорий қилинган. Тиббиёт мутахассисларининг тавсияси билан қайта ишланаётган Ойқор булоқларининг шифобахш суви яқин кунларда истеъмолчиларга етказиб берилади. Яшилликка бурканган қишлоғимиз ноёб мевали ва манзарали дарахтлар ҳамда нина баргли арчалар маскани. Ойқор ўзининг асл олмалари билан ном қозонган. Гулчиликдан шуҳрат топиб, катта даромад олаётган оилалар сони эса кун сайин кўпаймоқда.

Қишлоқ ҳудудида истиқомат қилаётган етти мингдан зиёд аҳолининг тенг ярмини хотин-қизлар ташкил қилади. Жами аҳолининг 35 фоизи ёшлар. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг аксарияти 11 та боғдорчилик, 4 та чорвачилик ва 13 та ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида меҳнат қилишади. Маҳалладошларимиз ҳовлилари атрофи ва томорқаларидан унумли фойдаланишнинг ҳадисини олишган. Улар томорқадаги чорбоғ, айниқса, олмазор ва токзорлардан етиштирилган ҳосил ҳисобига ҳам ўз рўзғорини бемалол тебрата олишади. 2 тоннадан 20 тоннагача олма, тонналаб сабзавот ва полиз маҳсулотлари ғамлаётган хонадонлар бор.

Қишлоқдошларимиз, айниқса, чорвачиликдан катта даромад топишади. 20-30 бош қўй-эчкиси, ўнлаб қорамоли бўлмаган хонадоннинг ўзи йўқ. Йилқичилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик билан машғул бўлган ишбилармонларнинг турмуши янада фаровон.

Даромадга яраша буромад, деганларидек овулларимиз замонавийлашиб, тўю маъракаларимиз намунали тарзда ўтказилмоқда. Касаначилик йўли билан хотин-қизлар ишли бўлишяпти. Ёшлар тарбиясига эътибор кучайтирилмоқда. Таълим-тарбия муассасалари мукаммал таъмирланиб, қайта жиҳозланди. Қишлоқ врачлик пункти иши яхшиланди. Аҳолига сервис хизмати кўрсатиш сифати ошди.

Тоғолди ҳудуди, қалин дарахтзору ўрмонзорлар қуршовида яшашнинг ўзгача гашти бор, албатта. Табиатни қўриқлаш, наботот оламини асраш билан бир вақтда чорва молларини йиртқич ҳайвонлардан ҳимоялаш бўйича зарур ишлар олиб борилаётир.

Болаликда отамнинг изидан эргашиб, чорвачиликни касб қилганман. Эллик йил чўпон бўлдим. Ҳудудда наслдор қўйларнинг кўпайиши, отарлар сонининг ошишига ҳисса қўшдим. Ҳалол меҳнат эвазига ўз бахтимни топдим. Фарзандларим ва ўттиз нафардан зиёд невара-чеваралаким даврасида бахтли ҳаёт кечириб келяпман. Ўзбекистондай буюк бир юртда яшаётганим билан фахрланаман. Менга ўхшаганларнинг орзу-армонлари Истиқлол туфайли рўёбга чиқди. Истиқлолимизнинг ҳар бир йили асрларга тенг тараққиёт даври бўлди. Эл-юрт фаровонлиги йўлида ўтказилган туб ислоҳотлар халқимизнинг кўкрагини баланд кўтарди. Баркамол авлод камолини ўйлаб қилинаётган ишларнинг саноғига етиб бўлмайди. Давлатимиз раҳбари томонидан юритилаётган доно сиёсат биздай кексаларни ғоят хушнуд этмоқда.

Истиқлолимизнинг 19 йиллиги арафасида мамлакатимиздаги бир гуруҳ юз ёшдан ошганлар қатори мен ҳам Президентимиз фармонига биноан «Шуҳрат» медали билан мукофотландим. Бундай юксак ҳурмат-эътиборга лойиқ кўрилганим учун Юртбошимизга чексиз миннатдорлигимни изҳор этаман. Мен каби оддий инсонларнинг меҳнати қадр топаётгани мустақиллигимиз неъмати, давлатимиз ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир.

Мирсал ИСМОИЛОВ,
Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги Ойқор қишлоғи фуқароси, «Шуҳрат» медали соҳиби.

Фуқаро мурожаати – доимий эътиборда

САВОБ ИШЛАР САОДАТИ

Машҳуранинг қувончини кўриш нақадар завқли! Қувонмасинми, кечагина рўёдай кўринган орзуси бугун ҳақиқатга айланиб турибди, ахир?! Хурсандчиликдан онасининг кўзига ёш келган, миннатдорчилигини изҳор этишга сўз тополмайди, денг...

Машҳура – Ҳаққулободнинг (Наманган вилояти, Норин тумани) Зарбдор маҳалла фуқаролари йиғинида яшайди. Ёши ўн учда. Имконияти чекланганига қарамай илм олишга иштиёқи баланд. Бу ҳол бизни ҳам бефарқ қолдирмади. Унинг оилавий шароитини ўрганиб чиққач, маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашган ҳолда жамғармамиз ҳисобидан қизалоққа компьютер жамланмаси олиб беришга қарор қилдик.

Унинг хурсандчилиги боиси шунда! Қизчанинг қувончи беихтиёр бизга ҳам инди...

Бировнинг корига яраш, оғирини имкон қадар енгил қилиб, мушкули осон бўлишида озми-кўпми ҳисса қўшмоқ қандай яхши! Муроди ҳосил бўлган инсонларнинг қувончию дуосидан кўнглинг кўтарилиб, хизматингга мингдан минг рози бўласан, киши...

Муҳтожликдан ёмони йўқ. Бировдан мадад сўраб борадиган одамнинг руҳий ҳолатини бир кўз олдингизга келтиринг! Унинг хаёлидан неча хил ўй, фикр ўтмайди, илинж ва умид ўртайди, дейсиз?!

Вилоятхон ҳам бизга мурожаат этгунча минг хил ўйга борган экан: ёрдам ололса-ку, хўп-хўп, агар акси бўлса-чи?.. Йўқ, амалда "акси бўлмади". Чунки унинг мурожаати "Хўжаобод" маҳалла фуқаролари йиғини мутасаддилари билан биргаликда ўрганилганда маълум бўлдики, оиласи ҳақиқатда ёрдамга, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож экан. Ахир, боқувчисини йўқотган, қарамоғида тўрт нафар вояга етмаган фарзанди бўлган аёл мададга лойиқ эмасми? Вилоятхонга бир бош қорамол олиб берилди.

«Катта Ўлмас» маҳалла фуқаролари йиғинида истиқомат қилаётган Бахтиёр Ҳасанов афғон уруши қатнашчиси. Собиқ иттифоқнинг бетийиқ сиёсати қурбони бўлган бу инсоннинг навқирон йигитлигига қўшилиб бебаҳо неъмат бўлган саломатлиги ҳам ўша ёқларда қолиб кетган. У вақт-вақти билан даволанишга мажбур. Бироқ бу ҳолатни доим ҳам имконият кўтаравермайди. Шу боис унинг мурожаати асосли деб топилиб, даволаниши учун жамғармамиз томонидан ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Туманимиздаги Қамбаровлар хонадони ҳам боқувчисини йўқотгандан кейин камхарж бўлиб қолган экан. Бунинг натижасида икки нафар вояга етган ўғлининг ёши ўттизни қоралаб қолганига қарамай уларни уйлаш масаласи орқага сурилаверди. Бундай вазиятда мурожаат этган фуқарога маҳалла фуқаролар йиғини, қолаверса, жамғармамиз ёрдам қўлини чўзмай туролмайди. Ака-укаларнинг никоҳ тўйи файзли ўтишида ҳиссамиз қўшилдики, бундан хонадон вакилларининг боши осмонга етди.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида "Маҳалла" жамғармасининг Норин тумани бўлимига турли масалаларда юзлаб одамлар мурожаат қилган бўлса, уларнинг бирортаси остонамиздан ноумид қайтмади. Мурожаатлар сони кўпаяётгани жамғармамизга бўлган эътибор, ишонч тобора ортиб бораётганидан далолат беради. Бундай ишонч эса фаолиятимизни янада такомиллаштириш, самарадорлигини оширишни тақозо этади.

Моддий ёрдамга муҳтож, аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармамизнинг низомий талаби, фаолиятимизнинг устувор йўналиши ҳисобланади, албатта. Шунингдек, аҳолини фойдали меҳнатга жалб этиш, уларнинг бандлиги ҳамда фаровонлигини янада ошириш ҳам фаолиятимизнинг ажралмас қисми. Шундан келиб чиқиб, маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, касаначиликка эътибор кучайтирилиб, бу соҳани ривожлантиришга ёрдам кўрсатиш, томорқадан унумли фойдаланган ҳолда оила даромадини ошириш борасида амалий кўмак ва йўл-йўриқлар кўрсатилмоқда. Мажозли қилиб айтадиган бўлсак, бир одамга битта балиқ берсангиз бир кун, иккитасига икки кун қорни тўйиши мумкин. Агар унга балиқ тутишни ўргатиб қўйсангиз, бас, у тирикчилигини ўзи тортиб кетади.

Фаолиятимизнинг пировард мақсадларидан бири ҳам шу.

Я. ҲОЖИЕВА,
"Маҳалла" хайрия жамғармаси Норин тумани бўлинмаси раиси.

Намунали ҚВП

МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

саломатликни мустаҳкамлашда муҳим воситадир

— Барака топ, қизим, дардим анча енгиллашди. Қон босимим жойига тушди, бошимнинг ҳам оғриғи қолди. Ўтиринглар, чой дамлайман.

— Раҳмат, онахон. Аҳволингизни кўриб биз ҳам хурсандмиз. Ишимиз кўп, нариги кўчадаги фахрийлар ҳолидан хабар олишимиз керак. Мабодо қон босимингиз яна безовта қилса, қўнғироқ қилинг, дарров етиб келамиз.

— Қўлларинг дард кўрмасин, қизларим, сизлардай ҳолимиздан хабар оладиган меҳрибонларимиз бор экан, кўнглимиз доим хотиржам.

Амина опа Отажонова қўлларини юзига тортганча ҳамшира қизларни дуо қилиб қолди. Қизлар эса ўзларига бириктирилган фахрийлар ҳолидан хабар олишга шошилдилар.

— Ҳудудимизда жойлашган қишлоқ врачлик пункти хизматидан миннатдормиз, – дейди Қўшкўпир туманидаги Янгилик қишлоғининг «Айронкўл» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Ромон Шомуродов. — Шифокорлар фақат ишхонасида эмас, жойларга чиқиб, тиббий мададга муҳтож, лекин касалхонага бориш имконияти йўқ беморларга хизмат кўрсатиб келишмоқда. Айниқса, кекса онахон-отахонлар, ногиронлар уларнинг ташрифидан жуда миннатдор. Улар билан ҳамкорлигимиз ҳам яхши йўлга қўйилган. Ҳар ой бир марта маҳалла фуқаролар йиғини мажлисларида уларнинг ҳисоботларини эшитиб борамиз. Қишлоқ врачлик пунктининг аҳолига кўрсатаётган хизматлар ҳажми, бириктирилган аҳоли саломатлигининг асосий кўрсаткичлари ва уни муҳофаза қилишдаги муаммолар билан танишиб, ҳамжиҳатликда иш юритамиз.

Оқсоқолнинг эътирофи бежиз эмас. «Айронкўл»даги бу тиббиёт муассасасида бир неча марта туман ва вилоят миқёсида кўрик-семинарлар ўтказилди. Ҳатто жамоанинг ибратли меҳнати ҳақида кўргазма тайёрланиб, тажрибаси оммалаштирилди.

Шифо масканининг кўркамлиги, озода, саришталигини кўриб баҳри- дилингиз очилади. Атрофи боғ, хиёбон, гулзор. Ўртада ҳовуз. Турфа гулларнинг хуш бўйи кўнгилларни яйратади. Боғдаги мевали дарахтлар мевасидан, полиз, сабзавот маҳсулотларидан шифокорларнинг ўзлари ҳам, бу ерга қатнаб даволанаётган беморлар ҳам баҳраманд. Серсоя гужумлар, баланд тераклар, мажнунтоллар атрофга ўзгача гўзаллик бахш этиб турибди. Бу ерга ташриф буюрганлар нафақат даволанадилар, балки соғлом турмуш тарзининг гигиеник талаблари, қоидаларидан ҳам воқиф бўладилар. Маҳалла фаоллари, айниқса, Ободонлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш комиссияси аъзолари шифокорлар билан биргаликда кўчалар, хонадонларда турли амалий тадбирлар ўтказиб туришади. «Кимнинг кўчаси озода?», «Ибратли хонадон», «Гулсевар оила» каби танловларда ҳакамлар ҳайъати аъзолари таркибида, албатта, шифокорлар ҳам бўлади.

Ушбу маскан «Саломатлик-1» ва «Саломатлик-2» лойиҳалари асосида мукаммал, энг замонавий русумдаги тиббий жиҳозлар билан таъмирланди. Лаборатория ускуналари, электрокардиограмма, кўз касалликларини текширувчи ва бошқа жиҳозлар аниқ ташхис қўйишда, тезкор даволаш муолажаси ўтказишда қўл келмоқда.

Бу ерда 4650 нафардан зиёд аҳолига тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Тўққиз нафар патронаж-ҳамшира доимо одамлар хизматида. Насиба Раҳимова, Хуршида Жуманиёзова, Роза Аҳмедова, Шаҳло Искандарова сингари тажрибали ҳамширалар хизматидан маҳалла аҳли миннатдор. Тошкент тиббиёт академиясини муваффақиятли битказиб келган Шаҳодат Абдуллаева эндиликда устози, ҚВП мудираси Махфира Матёқубова билан биргаликда ишлаб, маҳаллада тиббий тарғиботни йўлга қўйишда ҳам фаоллик кўрсатяпти. Айниқса турмуш қуриш арафасидаги йигит-қизларни тўйдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш қатъий йўлга қўйилган. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш — жамоанинг энг муҳим вазифаларидан бири. Туғиш ёшидаги 1193 нафар аёлнинг соғлиғини назорат қилиб бориш, ёш гўдакларни эмлаш, уларнинг ҳолидан тез-тез хабар олиш, ёш оналарга керакли маслаҳатларни бериш жамоанинг кундалик муҳим юмушлари ҳисобланади.

Дарҳақиқат, маҳалла аҳлининг узоғини яқин қилаётган ушбу маскан хизматидан бугун кўпчилик баҳраманд бўлмоқда, соғлиғини мустаҳкамлаб, дардига шифо топмоқда. Кўпчиликнинг дардига шифо улашаётган «Айронкўл» қишлоқ врачлик пункти жамоасининг маҳалла аҳлига кўрсатаётган малакали тиббий хизмати эътиборга олиниб, улар вилоят «Маҳалла» жамғармаси томонидан муносиб тақдирланди.

Абдулла САФОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Саодат манзиллари

УМР МАНЗАРАЛАРИ

Илм — улкан денгиздирки, унинг тубидан қимматбаҳо марваридлар топиб, кўпчиликни ундан баҳраманд этиш савоб ишлардан саналади. Умрини ана шундай ишларга сарфлаб, маърифат уммонидан бебаҳо дуру-гавҳарлар топаётган устоз Қосимжон Ёқубов Бекобод туманининг Далварзин қишлоғида туғилиб вояга етган. Ёшлигидан тарих фанини чуқур ўрганиб, ёш авлод қалбига илм зиёси билан йўғрилган эзгулик тарқатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган мураббий институтни тугатиши биланоқ, фаолиятини тумандаги мактабларнинг бирида бошлади.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани "Бодомзор" маҳалласи фуқаролар йиғинида 2300 нафар аҳоли истиқомат қилади. Йиғин раиси Шукрулло Умаров фаолиятига доир муҳим вазифаларни фаоллар билан биргаликда ечиб келади. Тажрибали, кўпни кўрган нуронийлар ўзларининг маслаҳатини ҳеч қачон аяшмайди. Шунданми бу маҳалланинг ободлиги, тинч ва осойишталиги кундан кунга юксалиб бормоқда. Маҳалла тадбиркорлари ўтказиладиган хайрли ишларга доимо камарбаста.

Устоз босиб ўтаётган йўл нафақат шогирдлари, балки оила аъзолари, фарзандлари учун ҳам катта маҳорат ва сабоқ мактаби бўлди. Ҳозирда рафиқаси Маъмура Ёқубова, уч нафар фарзанди ва келини ҳам мактабда ёшларга сабоқ бериб келишаётир. Маърифат фидойиси, устоз Қосимжон Ёқубов бугун юзлаб шогирдлари ардоғида. Айниқса, Бобур Мирзо номидаги маҳалла аҳли фарзандларининг шундай инсоннинг қўлида билим олаётгани, унинг тажриба ва малакаларидан баҳраманд бўлаётганидан жуда мамнун.

— Маҳалламизда истиқомат қиладиган ёшу қари устозни бирдек эъзозлайди, ўқитувчилар оиласи бўлгани учун уларга кўпчиликнинг ҳаваси келади. Устознинг фарзандларимизга бераётган беминнат ёрдами, айниқса, жонкуярлик билан дарс ўтиши таҳсинга лойиқ. У ҳеч кимдан ёрдамини аямайди, мактабни таъмирлаш дейсизми, ўқув қўлланмалар чоп эттиришми, хуллас, ҳамма ишларга бош-қош бўлиб, астойдил киришади, лицей ва коллежларда маҳалламиз ёшлари билан ижодий кечалар ташкил этиб, уларга қўшимча дарс бериш орқали фанга бўлган қизиқишларини кучайтиришга ҳаракат қилади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муҳаммаджон Усмонов.

Ёшларни элнинг корига ярайдиган ўғил-қизлар қилиб тарбиялаш устоз ҳаётининг мазмунига айланган. У мактабни иккинчи уйи деб билади ва вақтининг кўп қисмини зиё масканида ўтказади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари туфайли кўпгина мактаблар қатори устоз фаолият юритадиган қишлоқдаги 11-умумтаълим мактаби ҳам 2007 йили қайта таъмирланди, 1176 ўринга мўлжалланган икки қаватли бинодаги барча хоналар замон талабларига мос тарзда жиҳозланди.

— Мактабимиз Тошкент шаҳридан 130 километр узоқликдаги қишлоқда жойлашган бўлса-да, унда барча шарт-шароитлар муҳайё. Музей, маънавият ва маърифат хоналари юксак дид билан безатилган, ўқитувчиларнинг билим тажрибасини ошириш, ишига ижодкорона ёндашиши учун зарур имкониятлар яратиб берилган. Ўзим тарих фани тўғарагини бошқараман. Ўқувчим Умида Ғозиева тарих фанидан Республика олимпиадасида қатнашди. Шу вақтга қадар юздан зиёд шогирд тайёрладим. Шогирдларим орасидан етакчи олимлар, журналистлар етишиб чиқаётгани мени жуда ҳам қувонтиради. Фаолиятимга тавсиф берган маҳалламиз раиси ҳам ардоқли шогирдларимдан бири, — дейди устоз ўқувчиларининг муваффақиятларидан фахрланиб.

Устоз юртимиз тарихига оид қўлланмалар ёзиш билан бирга, кўплаб тарихий мавзудаги тадбирларда ўзининг қизиқарли маърузалари билан фаол иштирок этиб келмоқда. Унинг камтарона хизматлари ва эришган ютуқлари юксак эътироф этилиб, ҳукуматимиз томонидан 2003 йили унга «Халқ ўқитувчиси» унвони берилди, ўтган йили «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

Дилафруз ТЎРАҚУЛОВА,
«Mahalla» мухбири.

Маҳалла — тадбиркорлик маркази

ҲУНАР ЎРГАТИШ ЗАВҚИ...

Дилобар опа мутахассислиги бўйича иқтисодчи. Ўз соҳасида анча йил ишлаган бўлса-да, оилавий шароити тақозосига кўра кейинги пайтларда уйида ўтиришга тўғри келди. Бироқ уйида ҳам бекор ўтиришга одатланмаган опа бисер усулида ҳар хил ҳажм ва кўринишдаги сумкалар тикиш билан шуғуллана бошлади. Натижада қисқа вақт ичида қўли гул ҳунармандга айланди.

— Аёл киши ҳеч бўлмаганда, битта ҳунарнинг эгаси бўлиши керак, — дейди Дилобар Умарова. — Ҳарна, рўзғорнинг бир тарафини кўтаради.

Эндиликда опанинг ўнлаб шогирдлари бор. Шогирдлари шу маҳалланинг қизлари, аксарияти мактаб ўқувчилари. Бу ёш қизларда тадбиркорлик, тежамлилик фазилатлари шаклланади. Чунки мато қийиқларидан фойдаланган ҳолда ҳунармандчилик намуналари яратилади. Келажакда хонадон бекаси бўладиган қизларнинг эпли бўлишлари, бирор ҳунарни пухта эгаллашларининг аҳамияти беқиёс. «Ҳунарли хор бўлмас», деган мақол ҳунарпешаликнинг қадр-қимматини баланд билган ота-боболаримизнинг ҳаётий тажрибалари асосида пайдо бўлган.

— Дилобар ўзининг тадбиркорлиги ва ширинсуханлиги билан маҳалладаги каттаю кичикнинг ҳурматига, меҳрига сазовор бўлган, — дейди пойтахтимизнинг Юнусобод тумани Фирдавсий номидаги маҳалланинг масъул котиби Хатминиса Усмонова. — Айниқса, унинг маҳалладаги аёлларни уйда бекор ўтирмасдан ҳунар ўрганишга ундаши, бу борада беминнат ёрдам қўлини чўзиши таҳсинга лойиқ. Маҳаллага мурожаат қилиб, кам таъминланган оилаларнинг қизларига бепул ҳунар ўргатиш ташаббуси билан чиққани ҳар жиҳатдан эътиборга сазовор. Чунки ҳар қандай иллат бекорчиликдан келиб чиқади.

Дилобар опа вақти тиғизлигига қарамай, имконияти чекланганларга ҳам ҳунар ўргатишга астойдил киришган. Ана шундай юртдошларимиздаги истеъдод ва интилишни қўллаб-қувватлаш ишига ўзининг ҳиссасини қўшаётганидан мамнун. Уларга ҳунар ўргатиб, ҳар томонлама кўмак бериш ҳамда яратилган буюмлар асосида кўргазма ташкил этиш, шунингдек, ҳунармандчилик намуналарини бутун дунёга намойиш қилишни дилига тугиб, тинимсиз изланмоқда. Қўшни Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла қизлари ҳам опага шогирд тушиш истагини билдиришди.

Дилобар опа маҳсулотларини савдога чиқариб келмоқда. Айниқса, унинг қўл меҳнати намуналарига чет эллик меҳмонларнинг қизиқиши бошқача. Уларни миллий руҳдаги бодомнусха ва қалампирнусха безакларимиз ҳайратга солади.

— Қўлимдан келганини бошқаларга ҳам ўргатишга иштиёқим катта. Ана шу истак фақат олға интилиш ва қийинчиликларни енгиб ўтишга ундайверади, — дейди опа камтарлик билан.

— Устоздан бисер тикишни жудаям осон ўзлаштирдим, — дейди ўзини Адиба деб таништирган 10 ёшли шогирди. — Бу ҳунарни пухта ўрганиш учун қунт ва қизиқиш, ижодкорлик бўлиши керак. Шунда кўнглингиз тўладиган, кўзни қувонтирадиган буюмлар яратишингиз мумкин.

Ўзи яхши биладиган илмини ёхуд ҳунарини бировларга ўргатишнинг савоби катта. Кимдир ўз ҳунарини кўпчилик эгалласа рақобат юзага келади, деб чўчиши мумкин, бироқ ҳақиқий ҳунарпеша бировларга ёрдами текканидан руҳланади, қувват олади. Бундай инсонлар нафақат маҳалланинг, балки мамлакатнинг ҳам бойлигидир.

Феруза.

Сиз қандай йўл тутган бўлардингиз?

КЕЛИНИММАС, ҚИЗИМ ДЕБ АЙТИНГ...

— Кўп ҳолларда вазифангиз тақозоси билан қайнана-келин муносабатларига аралашишингизга тўғри келади. Мунозарали вазиятда айб қайнанада бўлса, қандай йўл тутган бўлардингиз?

— Ҳар бир она оқ ювиб, оқ тараб ўғил ўстираркан, унинг камолини кўрсам, яхши оиладан келин олсаму хонадоним файз-баракага, набиралар кулгусига тўлса, деб ният қилади. Бироқ ҳаёт бир текис эмас, баъзида турли воқеалар сабаб, билиб-билмай яқин одамларимизнинг кўнглини оғритамиз, қалбига озор етказамиз. Мана, икки йилдирки, «Ғалаба» маҳалласида маслаҳатчи лавозимида ишлаб келяпман. Шу вақт мобайнида қайнана-келин ўртасидаги жанжалли ҳолатларга ҳам дуч келдим. Мисол учун, бир куни келин бир соатда келаман, деб ойисиникига кетгану икки соатда қайтган. Қайнана эса нимага айтган вақтингда келмадинг, деб жанжал кўтарган. Қайнанасининг гапини кўтармаган келин ҳам қўлида боласи билан аразлаб кетиб қолган. Бундан хабар топиб, қайнана билан гаплашганимда, у бор айбни келинга тўнкади. Бироқ бу воқеада айбдорлик ҳисси ўз-ўзидан қайнанага юкланади.

Азиз қайнанажонлар, ўзингиз ҳам бир пайтлар келин бўлгансиз. Қайнанангиздан кўрганингизни келинга ҳам қўллайман, дейсиз. Баъзида паҳлавон ўғлимни топшириб қўйибман-ку, дея ичичингиздан миннат қиласиз. Бироқ келин ҳам бировнинг авайлаб ўстирган гулдек фарзанди. Хонадонингизни саранжом-сариштали тутиб, сизни ва ўғлингизни ҳурмат қилиб, қўшниларга мақтаб юрган ҳам мана шу келин бўлади. Шунинг учун бирозгина кенгфеъл бўлинг. Келинга ўз қизингиз каби муомалада бўлинг. Шунда ҳеч қандай ортиқча гинаю кудратга ўрин қолмайди. Қайнана-келин муносабатида баъзида ўғилнинг ҳам ҳиссаси катта. Оилавий келишмовчилик боис ҳузуримга келган йигитларга ҳам онасини эъзозлашини, бу ларнинг осуда яшашида катта аҳамиятга эгалигини таъкидлайман.

Маҳалламизда «Қайнанам — менинг онам», «Маҳалланинг иффатли келини» каби мавзуларда тадбирлар ўтказиб борамиз. Бир ойда икки маротаба ўтказиладиган давра суҳбатларига айнан оиласи нотинч қайнана-келинларни чорлашга ҳаракат қиламан. Баъзи қайнаналар иккинчи суҳбатдаёқ ижобий томонга ўзгаришади. Келинларга ҳам секингина шипшитадиган гапим бор: қайнана ҳам яхши эрингизнинг онаси. Жаҳли чиққанда мулойим бўлинг. Ичингизда қайнаб турсангиз ҳам гап қайтарманг. Иш буюрса, хўп бўлади, ойижон, деб дарҳол бажаринг. Ширин сўзингизни аяманг. Шунда энг ёмон қайнанага ҳам энг яхши келин бўласиз.

Малика ҒАНИХЎЖАЕВА,
Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «Ғалаба» маҳалла фуқаролар йиғининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Кўрик-танлов ғолиблари

МЕҲНАТ — ТЎКИСЛИК ОМИЛИ

Хуршиданинг турмуш ўртоғи кутилмаганда вафот этди. Шундай шароитда «ейман-ичаман», деб турган тўрт нафар болани боқиш, уларни ўртоқларидан кам қилмай кийинтириш осонми?

Албатта, қўни-қўшни, дўст-биродарлар қараб туришгани йўқ. Маҳалла томонидан ҳам бу оилага бир неча бор ёрдам пули ажратилди. Аммо халқимиз топиб айтганидек: «Қўл билан берганга қуш ҳам тўймайди». Шу боис йиғин фаоллари «Музаффаробод» фермер хўжалиги билан ҳамкорликда Хуршидага донни қайта ишловчи тегирмон ускунаси харид қилишда ёрдам беришди.

Қишлоқда тегирмончилик сердаромад иш. Деярли ҳар бир хонадонда қора мол, қўй боқилиши туфайли маккажўхори, арпа, оқжўхори, тариқ каби донли маҳсулотлар янчилиб чорва озуқаси тайёрланади. Ҳозир буюртмалар кўплигидан Хуршиданинг қўли-қўлига тегмайди. Ўғиллари ҳам қаватига кириб, дарсдан бўш вақтларида унга ёрдам беришади.

Кеча Хуршидани кўриб қолдим. Анча гурунглашдик. Яқинда автомашина сотиб олибди.

— Раҳмат сизга, опа, — деди у. — Ўшанда ёрдам пули сўраб, йиғин идорасига борганимда нуқул нафақага кўз тикиб яшаш тўғри эмаслиги, ўзим мустақил иш бошлашим кераклигини, бу борада маҳалла ёрдам беришга тайёрлигини айтганингизда, очиғи, бироз ранжигандим. Аммо бугун ўз вақтида жуда тўғри маслаҳат берганингизга амин бўлдим. Маҳалла кўмагида аввал иш ўргандим, кейин фаолиятимни йўлга қўйдим. Шукр, энди ҳеч кимдан кам жойим йўқ.

Хуршида Қобилованинг тадбиркорликдаги ютуқлари бизни ҳам хурсанд қилди. Бугун маҳалламизда Хуршида сингари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, оиласига қўшимча даромад олиб келаётган аёлларимиз талайгина. Хусусан, Санобар Саидова, Зиёда Қўлдошева тикувчилик, Маҳфуза Бердиева, Гулсара Файзиева гўзаллик салони йўналишларида имтиёзли кредит воситасида ўз шахсий бизнесларини йўлга қўйишди.

Бундан ташқари уйда якка тартибда фаолият юритаётган Маърифат Бобоева, Гулрухсор Пирназарова, Дилфуза Ҳусанова сингари аёлларимиз чопондўзлик, «элита» усулида пардалар тикиш, пишириқ, савдо-сотиқ хизматларини аҳолига таклиф этишмоқда.

Албатта, бу каби тадбиркорлик субъектларининг ташкил этилиши қўшимча иш ўринлари яратилишига олиб келади. Шу боис бугун 2614 нафар аҳоли истиқомат қилаётган маҳалламизда бирорта ишсиз аёлни учратмайсиз.

Ҳудуддаги аёлларга «Устоз—шогирд» анъанаси асосида ҳунар ўргатиш, уларни фойдали меҳнатга жалб этишда йиғин ҳузурида ташкил этилган «Аёлларни ижтимоий ҳимоялаш» марказининг ҳам муносиб ўрни бор. Айни пайтда бу ерда ўн тўққиз нафар хотин-қиз зардўзлик, қандолатпазлик, чопондўзлик, матога зеб бериш ҳунарларини ўрганиш баробарида, муқим иш ўрнига ҳам эга бўлишди.

Хотин-қизларни тадбиркорликка йўналтириш, фойдали меҳнатга жалб этиш натижасида уларнинг хонадони тўкислиги таъминланиб қолмай, балки ҳудудимизда тинч, осойишта муҳит ҳам қарор топди. Негаки, меҳнат билан банд, аниқ мақсад сари интилган киши майда гап-сўзлардан, арзимас низолардан юқори туради. Шу боис мана бир неча йилдирки маҳалламизда бирор марта ҳам ҳуқуқбузарлик ҳолати ёки оилавий низо, қўшнилар ўртасида жанжал қайд этилгани йўқ.

Амалга ошираётган ишларимизнинг тасдиғи ўлароқ, мен жорий йилда «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг Республика босқичида учинчи ўринни олдим. Бу рағбат мени яна ҳам фаол бўлишга ундамоқда.

Сарвар БЕРДИЕВА,
Бухоро вилояти Пешку тумани Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси.

Ҳар маҳаллада ҳар юмуш

ТАРҒИБОТ ВА ТАДБИРЛАР ТАЪСИРЧАНЛИГИ

соғлом маънавий муҳит барқарорлигига хизмат қилади

Кейинги йилларда республикамиз маҳаллалари ўзига хос тароватга эга бўлиб бормоқда. Йиғинлар ҳудудларида амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларидан кўнглингиз яйрайди. Маҳалла аҳли қалбида ўзаро бирдамлик, ҳамжиҳатлик каби эзгу туйғуларни шакллантириш, соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, қолаверса, ёшларни миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда маҳалла фаолларининг хизматлари беқиёс.

Тошкент вилояти Пискент туманидаги «Мўминобод» маҳалласида ҳам кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Қуриб фойдаланишга топширилган замонавий тўйхонаю савдо шохобчалари аҳоли хизматида. Кўча ва хиёбонлар, тураржойлар саранжом-саришта.

Йиғин кенгаши фаоллари асосий эътиборни ҳудудни обод гўшага айлантириш билан бирга соғлом маънавий муҳитни қарор топтиришдек долзарб масалага алоҳида эътибор билан қарашади. Бу ишларда Яраштириш, Ёшлар билан ишлаш комиссиялари фаоллари ҳамда фуқаролар йиғининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Назира Шоматова муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. У ўз вазифасини сидқидилдан бажариб, қўшни маҳалла фаолларига ҳам намуна бўлаётир.

— Йиғин кенгаши аъзоларининг фаоллиги, ташаббускорлиги, ишга бўлган масъулият ҳисси фаолиятимиз самарадорлигини янада оширяпти, — дейди йиғин раиси М.Назирқулов. — Маҳаллада соғлом маънавий муҳит барқарорлиги таъминланса, албатта, бу ҳудудда таълим-тарбия топаётган ёшларнинг юртта, ота-онасига, маҳалласига бўлган меҳр-муҳаббати шунчалик юқори бўлади.

Н. Шоматова маслаҳатчи сифатидаги ишини маҳалла аҳли турмуш тарзини ўрганишдан бошлаганди. У маҳалладаги оилаларни ўрганиб чиққач, маҳалла ҳаёти ҳақида маълумотлар берувчи жамланма тузди. Унда маҳалланинг харитасидан тортиб, кимнинг қандай яшаётгани, нима иш билан шуғулланаётгани тўғрисидаги барча маълумотлар акс этган. Унинг тажрибаси туман хотин-қизлар қўмитаси раиси ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлинмаси раисига манзур бўлиб, тумандаги 15 та фуқаролар йиғинларида ҳам жорий этилди. Ўз вазифасини бекаму кўст адо этиб келаётган Н. Шоматова бугун туман маслаҳатчилари кенгаши раиси ҳамдир.

Айни пайтда маҳалла оқсоқоли ҳамда унинг маслаҳатчиси ташаббуси билан оилалар тинчлиги, ҳудудда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида турли тарбиявий аҳамиятга эга тадбирлар ўтказиб келинаётгани ўз самарасини бермоқда.

— Кенгашимиз томонидан жамғарма мутасаддилари ва ҳамкор ташкилотлар кўмагида туман маслаҳатчиларининг ҳафталик ўқув-семинар йиғилишларини ташкил этяпмиз, — дейди Назира опа суҳбатимиз чоғида. — Семинарларда маслаҳатчилар хонасини жиҳозлаш, ижро интизоми, ҳужжатларни расмийлаштириш ва уларни қайд этиб бориш тартиби, умуман, маслаҳатчи аҳоли билан, айниқса, хотин-қизлар билан қай тартибда иш олиб бориши муҳокама этилади. Оилада тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалалари ҳам эътибордан четда эмас.

Н.Шоматованинг айтишича, аҳоли ўртасида олиб бориладиган ҳар қандай юмушда, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда тарғибот-ташвиқот муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, энди оила қураётган ёшлар ўртасида йўлга қўйилган қонуний никоҳнинг афзалликлари хусусидаги тушунтириш ишлари зое кетмаётганини ажримлар деярли йўқлигидан ҳам билса бўлади.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда ота-оналар ва ёшлар иштирокида «Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги» концепцияси асосида ўтказилаётган тадбирлар ҳам ижобий натижалар бермоқда. Хусусан, "Авлодлар учрашуви", "Оила — муқаддас даргоҳ", "Қонуний никоҳнинг афзалликлари", "Соғлом она — соғлом фарзанд" мавзуларидаги тадбирлар мустақил ҳаёт бўсағасида турган ёшлар учун муайян кўникма вазифасини бажаряпти.

— Маҳалла аҳли ва мактаб ўқувчилари билан ўтказилаётган бундай тадбирлар таъсирчанлигини ошириш мақсадида кекса, ўрта авлод ва турмуш қуриш остонасида турган ёш авлод иштирокини таъминлаяпмиз, — дейди оқсоқол. — Ҳаётий тажрибага эга бўлган отахон ва онахонлар ўз турмуш тажрибаларидан гапирсалар, ўрта авлод вакиллари келинлик ва куёвлик шарафига муяссар бўлишда ахлоқ ва одоб қоидалари, бола тарбияси, уй-рўзғор ишларида қайнанага таяниш, ўзаро ҳурмат, оила устуни бўлган эркакнинг ўрни ва вазифаси ҳақида ёшларга маслаҳатлар беришади.

Эътиборлиси, қонуний никоҳдан ўтишга тайёр турган йигит-қизлар ФҲДЁ бўлимига боришдан аввал йиғин кенгаши фаоллари суҳбатидан ўтишади. Бу эса келгусида оиланинг мустаҳкамлигига хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бундай тадбирлар ҳамда оилаларда, ёшлар ўртасида олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишлари йиғин кенгаши фаолиятининг йиллик иш режасидан мустаҳкам ўрин олган. Президентимизнинг она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга доир қарорлари маҳаллада кенг миқёсда тарғиб қилиниб, жисмонан ва маънан етук авлодни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Бундан ташқари ҳудудда янги иш ўринлари ташкил қилиниши боис ишсизлар сони тобора камаймоқда. Айниқса, мактабни битирган ёшларнинг туман "Тадбиркор аёл" уюшмасида очилган 12 йўналишдаги ўқув марказига жалб этилгани уларнинг касб ва ҳунар ўрганишларида муҳим омил бўлаётир.

Йиғин кенгаши фаоллари жорий йил якунигача фаолиятини изчил давом эттириш билан бирга ёшлар камолоти, манфаати йўлида қатор хайрли ишларни амалга оширишни режалаштирган.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ,
«Mahalla» мухбири.



Навоий вилоятининг Конимех туманидаги "Конимех" қорақўлчилик ширкат хўжалигида "Конимех оазис продукт" масъулияти чекланган жамияти иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Жорий йилда корхона жамоаси "Микрокредитбанк" нинг Кармана тумани филиалидан 30 миллион сўмлик кредит олиб, иш кўламини кенгайтирди. Бугун бу ерда кунига 2 тоннадан ортиқ қўй гўштидан 12 турдаги консерва ишлаб чиқариляпти.

Собир Зуфаров олган сурат.

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

ASAKA BANK

«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ)

Сизларни яқинлашиб келаётган Конституция куни муносабати билан табриклайди ва қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ

"ФАЙЗЛИ-1"

Сақланиш муддати — 1 йил, Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилгандан сўнг берилади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ

"СТИМУЛ-1"
АҚШ долларида

Сақланиш муддати 1 йил, ҳисобланган фоизлар омонат очилганда ёки омонат ёпилгандан сўнг берилади.

«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САКЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

БАРЧА ОМОНАТЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Мурожаат учун: «АСАКА» банки (ОАЖ) филиаллари телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

1. Тошкент шаҳри филиали	(371) 120-83-13
2. «Автотранспорт» филиали	(371) 120-39-95
3. Шайхонтоҳур филиали	(371) 140-39-36
4. Юнусобод филиали	(371) 225-16-46
5. Сирғали филиали	(371) 258-67-49
6. Тошкент вилояти филиали	(371) 120-84-13
7. Андижон вилояти филиали	(374) 224-40-96
8. Асака филиали	(374) 233-13-69
9. «Фарҳод» филиали	(374) 229-97-53
10. Фарғона вилояти филиали	(373) 224-70-83
11. Марғилон филиали	(373) 237-12-37
12. Олтиариқ филиали	(373) 432-10-11
13. Қўқон филиали	(373) 552-61-04
14. Наманган вилояти филиали	(369) 226-94-75
15. Навоий вилояти филиали	(436) 223-54-32
16. Зарафшон филиали	(436) 573-18-78
17. Бухоро вилояти филиали	(365) 223-71-94
18. Бухоро шаҳри филиали	(365) 770-11-27
19. Самарқанд вилояти филиали	(366) 231-08-86
20. «Афросиёб» филиали	(366) 234-17-96
21. Қашқадарё вилояти филиали	(375) 221-12-93
22. Сурхондарё вилояти филиали	(376) 770-82-12
23. Қорақалпоғистон филиали	(361) 223-72-47
24. Хоразм вилояти филиали	(362) 226-97-78
25. Сирдарё вилояти филиали	(367) 225-44-03
26. Жиззах вилояти филиали	(372) 226-43-11

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Хизматлар лицензияланган.

Дунёдан дараклар

ОЛТИН ЯНА ҚИММАТЛАШДИ

NYMEX биржасида бўлиб ўтган сўнгги савдолар чоғида олтиннинг баҳоси 9,5 фоизга кўтарилди ва рекорд даражага етди. Энди бир унция тиллонинг нархи 1412,7 долларни ташкил этмоқда.

Иқтисодчиларнинг айтишича, Жаҳон банки раҳбари Роберт Зеллик ривожланган мамлакатлар валюталари — доллар, евро, иена, фунт стерлинг ва юан баҳосини олтинга нисбатан белгилаш таклифи билан чиққандан сўнг бу ялтироқ металлнинг баҳоси бирдан кўтарилиб кетди.

Йил бошидан буён олтин 28 фоизга қимматлашди.

ЁНҒИН ТУФАЙЛИ...



Carnival Cruise Lines компаниясига қарашли «Карнивал Сплендор» круиз кемасининг машина бўлимида рўй берган ёнғин туфайли унинг бошқарув тизими ишдан чиқди. Бу пайтда бортида 3299 та йўловчи ва 1167 нафар экипаж аъзоси бўлган кема қирғоқдан 90 километр узоқликда эди.

Ёнғиндан кемадаги ҳеч ким жабр кўрмаган. Экипаж аъзолари кемани тузата олмади. Travel Weekly хабарида айтилишича, кема ҳозир Мексика қирғоқларидан 240 километр узоқликда сузиб юрибди. Яқин вақт ичида унга Мексика ҳарбий кемалари ёрдамга етиб келади. Кемани судраб қирғоққа олиб чиқиш чоралари кўриляпти.

КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР ҲАҚИ ОШМОҚДА

Жорий йилнинг ўн ойида Россияда коммунал хизматлари ҳақи 12,3 фоизга ошган. «Интерфакс» мухбири бу хабарни тарқатар экан, мамлакатнинг айрим ҳудудларида коммунал хизматлар ҳақи жуда юқори, масалан, Пермда 93 фоиз, Иркутскда 61 фоиз, Курскда 54 фоиз, Самарада 47 фоиз ошганини қайд этиб ўтади.

Яқинда мамлакат президенти Дмитрий Медведев шу масалага тўхталиб, регионлар раҳбарларидан хизматлар ҳақи ўртача 25 фоиздан ошиб кетмаслигини талаб қилди. Прогнозларга қараганда, 2011 йилда бу кўрсаткич ўртача 15 фоизни ташкил этади.

Ҳудудий ривожланиш вазирлигининг маълумотларига қараганда, мамлакат аҳолисининг коммунал хизматлардан қарзи бугунги кунда 64,9 миллиард рублга етган.

МАХФИЙ ЕР ОСТИ ЙЎЛИ ТОПИЛДИ

АҚШ ва Мексика ўртасидаги чегарада 500 метрлик ер ости йўли топилди. Полиция вакилларининг айтишича, бу ер ости йўлидан гиёҳвандфурушлар гиёҳванд моддаларни Калифорния штати ҳудудига ўтказишда фойдаланишган. Шунингдек, ер ости йўлида 20 тонна марихуана борлиги ҳам аниқланди.

BBC News хабарига қараганда, ер ости йўли ҳаво алмаштириш, тозалаш тизими билан жиҳозланган. Бу ерда, шунингдек, юкларни манзилгача етказиш учун темир йўл ҳам қурилган экан.

Ер ости йўлини забт этиш учун ўтказилган амалиёт чоғида бир АҚШ фуқароси ва унинг турмуш ўртоғи — мекисалик аёл қамоққа олинди.

Эслатиб ўтамиз, АҚШ ва Мексика ўртасида гиёҳванд сотувчилар фойдаланган энг йирик ер ости йўли 2006 йилда аниқланган. Унинг узунлиги 730 метр эди.

Интернет хабарлари асосида Анора ИБРАГИМОВА тайёрлади.

Комиссиялар фаолияти

ТАРБИЯ — ЭНГ ДОЛЗАРБ, ЭНГ МУҲИМ МЕЗОН

— Ўтган йили 8 март куни илк бор ишхонамга гул кўтариб йўқлаб келишди, — дейди Тошкент вилояти Қибрай шаҳарча фуқаролар йиғини ҳузуридаги Яраштириш комиссияси раиси Рашида Тошматова. — Мухлисани турмуш ўртоғи ва болалари даврасида хуш кайфиятда кўриб хурсанд бўлиб кетдим. Мухлиса ким, дейсизми? Унда эшитинг.

... Мухлисанинг тиббиёт институти талабаси экани, ўқиши тугашига уч йил борлигига қарамай тўй қилган Ҳафиза холага келиннинг таҳсили чўзилиб кеттани ёқмай қолди. У келиннинг эртаю кеч хизмат қилиб юришини орзу қиларди-да. Бу орада фарзандли бўлган Мухлисага ўқишию уй-рўзғор юмушлари, камига қайнананинг ўзгарган муносабати баттар қийинчилик туғдирди. Бироқ унинг аҳволини қайнанаси тушунса, қани?! Аксинча, дард устига чипқон, дегандек, ўқишни ташлайсиз, вассалом, деб туриб олди.

Бунга кўнмаган келин ота уйига кетишга мажбур бўлди. Қайнана-келинни муросага келтириш, тўғрироғи, Мухлисанинг ўқишини давом эттиришга Ҳафиза холадан изн олиш осон бўлмади. Қайнана икки оёғини бир этикка тиқиб ўз фикрида қатъий туриб олди: «Келин деган уй ишию бола тарбиясидан ортмайди, ўқишнинг асло кераги йўқ».

Бу хол Яраштириш комиссияси аъзоларига қийинчилик туғдирди. Кўпни кўрган фаоллар панду насиҳатлари, ўрни келганда айтилган қаттиқ-қурум гаплар, ниҳоят, қайнанани фикридан қайтишга мажбур қилди. Эндиликда Мухлиса ўқишни битириб, қўли енгил шифокор сифатида маҳалладаги каттаю кичикнинг эҳтиромига сазовор бўлмоқда. Ҳафиза хола ҳам маҳалла-кўйнинг дуосини олаётган келини билан фахрланади.

Қибрай шаҳарча фуқаролар йиғинида 11 та маҳалла мавжуд. Уларда 17 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. «Турмуш — мушт» мақолини ёдга оладиган бўлсак, тушунмовчилик юзага келмайдиган оиланинг ўзи йўқ. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам, биринчи навбатда, оила бутунлиги сақланиб қолиши зарур. Демак, Яраштириш комиссияси аъзоларига доим иш бор.

— Тажрибаларимдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, кўпинча ёш оилаларда қўйдирчиқдиларнинг юзага келишига ўша хонадон бошлиғининг мавқеи ва таъсири кучли эмаслиги асосий сабаблардан биридир, — дейди Рашида Тошматова. — Азал-азалдан ўзбек хонадонларида отанинг роли ва ўрни жуда катта аҳамият касб этиб келган. «Отанг ўтирган уйнинг томига чиқма», деган ибораниг ўзиёқ оила бошлиғининг нақадар катта мавқега эгалигидан далолатдир. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асаридаги бир лавҳани эсланг-а: жон талвасасида ётган Кумуш қайнатаси ҳузурига кираётганини илғаб, ҳурмат ва андиша юқорилиги боис ўрнидан туришга уринади. Айни шу кичик ҳолатда қанчадан-қанча маъно ва моҳият мужассам!.. Бунда ўзбекона одоб-ахлоқнинг гўзал ифодасини кўрамиз. Шу ҳақда ўйласам, азалий қадриятлар ва анъаналар бардавомлигини ёшларимиз шуурига тўла-тўкис сингдириш борасида анча-мунча ишлар қилишимиз лозимлиги ойдинлашади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида шундай дейилади: «Маълумки, ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Албатта, фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, одоб-ахлоқ, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Бу масалага эътибор бермаслик, нафақат айрим ота-оналар, балки бутун жамият учун жуда қимматга тушишини ҳам кўпгина ҳаётий мисолларда кўриш мумкин».

Ҳақ гап. Бундан англашиладики, оилани муқаддас даргоҳ деб билиб, хонадон муҳитини осойишта ҳолатда ушлаб туришга ҳаракат қилган ота-боболаримиз тажрибаларини чуқур ўрганишимиз лозим. Миллий руҳ ва тарбия устувор бўлган жамият «оммавий маданият», деб аталаётган маънавий тубанлик, ахлоқий бузуқликни ўзида акс эттирувчи хавфдан ҳимояланган, «иммунитет» ҳосил қилган бўлади. Асл маънавий қадриятларни ўтмиш деб қараш, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик ҳозирги кунда тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига жиддий хавф солаётганини ва бунга қарши курашда юксак маънавият энг кучли қурол эканини барчамиз англаб бормоқдамиз.

— Яқинда келишмовчилик оқибатида уйига кетиб қолган бир келинни олиб келишга бордик, — дея гапида давом этади Рашида опа. — Ота-онаси билан суҳбатлашиб, вазиятни юмшатмоқчи бўлдик. Шунда келиннинг отаси дабдурустдан: «Қудамнинг музлатгичида колбаса-пишлоқ бўлмас экан», деса денг. «Қўйинг-э, бу гапдан кейин сиз билан гаплашишга уялиб кетяпман, — дедим оғринганимни билдириб. — Колбаса-пишлоқ бўлмаса бўлмас, бироқ қизингиз оч қолмаётгандир? Хўп, сиз айттан нарсалар йўқ экан, ўрнига бирор тансиқроқ таом тайёрлаш қизингизнинг қўлидан келмайдими?» Ана шу гаплардан кейин келиннинг ота-онаси хижолат бўлиб қолишди..

Демак, биз фарзанд тарбияси борасида қаерда хатога йўл қўяётганимизни ўз вақтида англашимиз катта аҳамиятга эга. Энг муҳими эса, ўша хатоларни тўғри англаб, ўз вақтида тузатишга улгуришдир.

Феруза ЭГАМОВА,
«Mahalla» мухбири

Ҳунардан бахт топганлар

ҚАЛБ ҚЎРИ ВА МЕҲР МАҲСУЛИ

«Дўппи тикдим ипаклари тиллодан»... Барчага манзур бўлган бу қўшиқни бекорга эсламаяпмиз. Зеро, биз сўз юритмоқчи моҳир чевар — Гулнора Одилова ҳам дастлаб ўз ишини дўппи тикишдан бошлаган.

Ўшанда эндигина 1-синфга ўқишга борган жажжи қизалоқ онасининг тиккан кашталарига ҳавас қилиб, илк бора дўппига гул тикди ва уни бошига кийиб мактабга борди. Дугоналарининг мақтови Гулнорага хуш ёқди. У энди кундан кунга маҳоратини ошириб, нимча, белбоғ, сўзана тикишни ҳам пухта эгаллаб олди. Мактабни битириб, Тошкент Давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кирган ҳунарманд қиз талабалик йилларида ҳам кашта тикишни севимли машғулотига айлантирди. У тиккан кашталар услуби ва сифати билан ажралиб турарди. Йиллар ўтиб Гулнора Одилова Шаҳрисабз ироқи каштачилигининг моҳир устасига айланди.

— Ироқи каштачилигининг асосий фарқли жиҳати шундаки, матонинг ҳеч бир қисми очиқ қолмайди, тикилган гуллар ёки нақшлар чегараси ўзига мос тарзда кашта билан тўлдирилади. Бу услубни яхши ўрганиш мақсадида 19 асрда Бухоро ҳукмдорлари кийган ироқи чопонлар устида изланиш олиб бордим. Бу изланишим менга қўл келди. Момоларимиз тиккан кашталарнинг мукаммал кўринишларини синчиклаб ўрганиб, бу ҳунарнинг бизга маълум бўлмаган қирраларини очишга муваффақ бўлдим. 1997 йилда Шаҳрисабз «Ҳунарманд» уюшмаси бу ҳунарни ривожлантиришимга кенг имконият яратиб берди.

Вақтни энг катта бойлик, деб ҳисоблайдиган тадбиркор аёл ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланди. Ироқи каштачилигига хос бўлган такрорланмас нақшлар яратиб, унга мос ранг танлаб, уни санъат даражасига етказди.

— Ҳар бир ҳунар фидойиликни талаб қилади. Хусусан, каштага ҳам қалб-қўримизни бағишлаб, уни меҳр билан тиксак, кўрган киши боқиб тўймаса, завқ олса, кашта хонадонининг кўрки ҳисобланса — бу бизнинг меҳнатимизнинг самараси бўлади, — дейди Гулнора опа.

Ҳа, сўз амали билан деганларидек, бугун Гулнора опа тиккан кашталар нафақат юртимизда, балки дунёнинг қатор давлатларида ҳам машҳур. Жумладан, ироқи каштачилиги Париж, Санкт-Петербург, Москва шаҳарларида бўлиб ўтган кўргазма-савдо ярмаркаларида катта эътибор қозонди. Юзлаб хорижлик аёллар Гулнора опа қўли билан яраттан нимчаю кўйлаклар, пойабзалдан тортиб бежирим дўппининг ҳам шайдосига айланишди. Бунинг ҳаммаси меҳнатга бўлган муносабат, оддий ипак толаларидан беқиёс гўзаллик яратилганидан дарак беради. Гулнора Одилованинг ана шу хизматлари эътироф этилиб, бир неча йил аввал «Ташаббус — 2006» кўрик-танловининг республика босқичи ғолиби, деб топилди. Президент совғаси — «Матиз» автомобили ва олтин медалга эга бўлди. Бу рағбат ва эътибор ҳунармандни янада руҳлантирди. У ишини кенгайтириш ва ўз ҳунарини ёшларга ўргатиш мақсадида «Кеш — Осиё карвони» кичик корхонасини ташкил этди. Ҳозирги пайтда ўзи яшаётган «Қушхона» маҳалласидаги 200 нафарга яқин хотин-қизни иш билан таъминлади.

— Бу корхонада ишлаётганимга 2 йилдан ошди, — дейди маҳалла фуқароси Замира Шерова. — Гулнора опанинг кашталарини кўриб, жуда ҳайратланганман. Сабаби, ҳар бир маҳсулот, у хоҳ катта сўзана бўлсин, хоҳ кичкина дўппи — ҳеч қаеридан нуқсон тополмайсиз. Опанинг маҳоратини ҳар биримиз ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Гулнора опа айни пайтда Шаҳрисабз «Ҳунарманд» уюшмасига раҳбарлик ҳам қилади. У хориж сафарлари, савдо ярмаркалари, корхона ташвишларидан ортиб, ўзи туғилиб яшаётган «Қушхона» маҳалласи аҳли билан ҳаммаслак ва елкадош бўлишга ҳамиша вақт топади. Тўю тадбирларда маслаҳати ва ёрдамини аямайди. Икки нафар фарзанди Элдорбек ва Сўғдиёна ҳам дарсдан бўш пайтида онасининг ёнида.

Баъзида юртимиздаги тадбиркор аёллар ҳақида гап кетса, барчасига қандай улгуриш мумкин, деган ҳақли савол туғилади. Бунга жавобан:

— Бунинг учун хоҳиш ва интилиш бўлса кифоя, — дейди суҳбатдошимиз.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Mahalla» мухбири.

Пиру бадавлатларимиз

БИР ХОНАДОНДА УЧ НУРОНИЙ

Шўрчи туманидаги «Ҳурлик» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Поён Юсупов яқинда 110 ёшни қаршилади — 1900 йилда туғилган отахон икки асрни кўриш бахтига мушарраф бўлди. Нуроний отахоннинг хотираси тиниқ — ўлкамиз тарихига доир қизиқарли воқеаларни яхши эслайди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт ортидаги самарали меҳнатларию қишлоқ хўжалигида илғор технологияларни қўллаб эришган ютуқлари ҳақида фахрланиб сўзлайди.

— Не-не кунларни кўрмадик. Урушгача, урушдан кейинги йиллар... Тенгдошларимнинг барчаси мустақил Ўзбекистонни кўриш армонида яшаб ўтдилар, — дейди Поён бобо. — Яшаб ўтган умримни ҳозирги фаровон кунларимизга солиштирадиган бўлсак, осмон билан ерча фарқ бор. Баъзан ўзимга ҳам ўтмишим ғала-ғовур тушга ўхшаб туюлади. Ўша пайтлари агар менга шундай замонни кўрасиз, деб башорат қилишганда ҳам тасаввур қилолмасдим. Фарзандларимнинг, невараю эвараларимнинг бахтли, саодатли кунларини кўраётганимга шукр қиламан.

Поён бобо ёш авлодга ўзининг ўтмишини гапириб берар экан, бугунги фаровон кунларимизнинг қадрига етишни бот-бот уқтиради. Ҳалоллик, тўғрисўзлик, меҳнатсеварлик инсоннинг энг улуғ фазилатлари эканлигини юртдошларига таъкидлашдан чарчамайди. Доимо ҳаракатда бўлишни, кенгфеъллликни узоқ яшашнинг сирларидан, деб билгани учун ҳам отахон ҳалоллик, камтарлик ва меҳнатсеварлик хислатларини фарзандларининг қалбларига жо қилган. Шу боис бўлса керак, Поён бобонинг икки нафар фарзанди ҳам ўзи каби нуроний. Ўғли Алимардон бобо 73 ёшга, қизи Зайнаб момо 60 ёшга тўлди. Қўш асрда яшаётган мўйсафид 9 невара, 40 дан зиёд чевара, 10 дан ортиқ эвара авлодини кўрди.

Мамлакатимизда 100 ёшдан ошган нуроний отахону онахонларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Ҳозиргача Шўрчи туманида 27 нафар ана шундай ҳурмат-эътиборга лойиқ, ёш авлодга ўзларининг ҳаёт мактабидан сабоқ бераётган, уларнинг қалбига эзгулик уруғини қадаётган, ҳар ишда бош-қош бўлаётган нуронийларга «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими, маҳалла фаоллари, ҳокимликлар томонидан турли байраму тадбирларда совғасаломлар улашилмоқда. Бундай ғамхўрлик ва саховатдан боши кўкка етган отахону онахонлар эса юртимизга тинчлик, фаровонлик тилаб дуо қилишади. Зеро, уларнинг дуолари ижобати бутунги фаровон кунларимизда акс этаётган бўлса не ажаб.

Нурмуҳаммад МУҲАММАДИЕВ,
Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани.

Пазанда уй бекаси

БЕҲИ МУРАББОСИ

Неъматларга бой куз фаслида боғларимизда етиштирилаётган турли мевалардан уй бекалари шарбату мурабболар тайёрлайдилар. Айни пайтда пишиб етилган беҳи меваси-дан ҳам хушхўр мураббо тайёрласа бўлади. Бунинг учун ювиб тозаланган беҳини 0,5 см. ҳажмда тўртбурчак ёки тилимча қилиб тўғралади. Мураббо қозонга солиниб юзи баробар сув қуйилган беҳи бўлакчалари юмшагунча қайнатилиб, сўнг човлида сузиб олинади. Докадан ўтказилган беҳи қайнатмасига тегишлича шакар қўшилиб қиём қайнатилгач, тайёрлаб қўйилган беҳи бўлакчалари солинади ва қайнатишда давом эттирилади. Мураббо тайёр бўлганини беҳи бўлакчаларининг қиёмга чўкмай ёки юзада қалқимай бир текисда тургани ва қизғиш тусга кирганидан билса бўлади. Қозон оловдан олингач, мураббога озроқ ванилин қўшиб аралаштирилади.

Керакли масаллиқлар: 1 кг. беҳи, 1,5 кг. шакар, бир чимдим ванилин.

Шаҳина БОНУ тайёрлади.

Турмуш чорраҳаларида

ТЎЙИНГ ШУНДАЙ ДАБДАБАЛИ БЎЛСИНКИ...

«Тўйинг шундай дабдабали бўлсинки, ҳамманинг оғзи очилиб қолсин, — дерди онаси Сайёрани ширин энтиктириб. — Сарполар жуда қимматбаҳо ва антиқа бўлди, энди буюртма берилган мебели олиб келишса, бас. Ахир, келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр, деб бежиз айтишмаган-да».

Куёвтўра-ку кўрган одамнинг кўзи қувнайдиган бинойидек йигит, бунинг устига ўқимишли, туман касалхонасида жарроҳ бўлиб ишлайди. Аммо куёв қизнинг овозаси етти иқлимга етадиган тўй ҳақидаги таклифу мулоҳазаларини кўпам қўллаб-қувватлайвермайди. Доим жимгина қулоқ солади, гоҳида кулиб қўя қолади. Унинг ўтган гал учрашгандаги гапи эса Сайёранинг энсасини қотирди:

— Бир кунлик тўй учун шунча чиқим қилишнинг нима кераги бор? — деди Шавкатжон қизни ҳайрон қолдириб. — Ундан кўра пулимизни иккимизга ҳам нафи тегадиган нарсаларга сарфласак-чи?

Қизнинг кўзлари каттакатта очилди.

— Нима? Сизда орзу-ҳавас йўқми ҳеч? Дўст-душман олдида юзимиз шувит бўлсинми? Ота-онамнинг биринчи тўй кўриши бўлса, одамлар кулмайдими? — деди Сайёра мижжаларидаги ёшни артганча.

— Қўй, хафа бўлма, Сайёра, ҳаммаси сен айтгандек бўлади, — деди Шавкатжон қизнинг кўзига ёш олганини кўриб кўнгли бўшашганча. — Мен аёлларнинг сарпо-суруғини тушунмасам.

Иккала қуда ҳам айни шу масалада бироз тортишиб қолишди. Зеб-зийнату ҳашаматта ҳуши йўқ Меҳри хола турмуш ўртоғи эрта вафот этгани боис кўп азият чекди. Тўрт нафар фарзандни ёлғиз ўзи тарбиялади, ўқитди, қизларини турмушга берди. Қийинчиликни кўп кўрганиданми у исрофгарчиликка, дабдабага қарши эди. Аммо қудаси икки оёқни бир этикка тиқиб олганидан сўнг ноилож индамай қўя қолди...

Мана, ниҳоят, бугун тўй. Сайёра орзу қилгандек турнақатор тизилган қимматбаҳо машиналар карвони Никоҳ уйига йўл олди. Келинчакнинг эгнида энг сўнгги русумдаги оврупоча тўй либоси. Тўғри, сал очиқ-сочиқ кўйлак унинг оппоқ елкаларини, қад-қоматини кўз-кўз қилиб тургани кўпчиликка ёқмади. Аммо афтини буришгирганлар ҳам кўйлакнинг ижара нархини эшитгач, оғизлари ланг очилди.

Меҳри хола келинига пешвоз чиқди. Ҳам ота, ҳам она бўлиб ўстирган, неча йиллаб ўқиттан ёлғиз ўғлининг тўйига етказганидан у беҳад шод эди. Келин кириб келди, унинг навниҳолдай қомати саломга эгилган эди... Меҳри холанинг юзлари ловуллади. Нари-бери кўришган бўлдию тезда четга ўтди. Дабдабаю асъасага бурканган тўй оқшомида машҳур санъаткорлар иштирок этишди. Хуллас, Сайёранинг кўнглидагидек тўй бўлди.

Қиз орзулари рўёбидан шод эди. Аммо ҳамма ғалва тўйдан кейин бошланди. Шавкатжон кунда-кунора навбатчиликка қоладиган бўлди. Уйга келса ҳам ҳориб-чарчаб ухлаб қолар, хотинига унчалик ҳам эътибор қилавермасди.

— Ҳозир иш қўпайиб кетган, — деди бир кун у хотинига. — Оғир касаллар кўп. Шу боис навбатчилигимиз тез-тез келаяпти.

Сайёра индамади. Бироқ уч кунлаб эридан дарак бўлмагач, кўнглига ғулғула тушди. Шавкатжоннинг қўл телефони жавоб бермагач, ишхонасига қўнғироқ қилди.

— Алло, эшитаман, — деди кимдир майингина овозда.

— Кечирасиз, менга жарроҳ Ваҳобов керак эдилар.

— Ваҳобов уйига кетган. У бугун навбатчи эмас.

«Уйга келмади-ку, — ҳаёлидан ўтказди Сайёра. — Бу қизга ўхшаган ҳамширалар унинг атрофида парвона бўлса, эҳтимол битта-яримтаси билан...» У хаёлига келган фикрдан чўчиб кетди. Нима қиларини билмай дарров онасига қўнғироқ қилди.

— Ўзим сезиб юргандим, — деди қизининг дийдиёларини тинглаган она.

— Сезардим дейсизми? Қаердан билгандингиз?

— Уф-ф, сенга айтмоқчимасдиму... Тунов куни холангни кўргани боргандим. Кечгача ўтирдим. Қайтаётсам, эрингни кўриб қолдим. Тез-тез юрганча, холангнинг уйидан уч-тўрт уй наридаги бир хонадонга кириб кетди. Ҳайрон қолганимни мени кузатгани чиққан холанг сезди, шекилли, куёвинг бу ерга анча серқатнов бўлиб қолган, деди.

— Кимнинг уйи экан у ер?

— Бир татар аёлнинг...

Сайёра дарҳол айтилган манзилга йўл олди.

...Эшик тугмаси узоқ жиринглагандан сўнг кўзойнак таққан кекса аёлнинг башараси кўринди.

— Келинғиз, тиншликми? Сизга ким керек?

— Эрим, эрим қани?

Сайёра аёлни итариб юбордию, ичкарига отилди. Ҳовли ивирсиб ётар, бурчакдаги чала битган иморатнинг ичкарисида чироқ милтилларди. Бошқа хоналарда тирик жон кўринмагач, у тўппа-тўғри ўша томонга юрди. Иморатнинг «дераза»сидан ичкарига мўралаган Сайёра аввал кўзларига ишонмади, аммо эрининг аҳволини кўриб тошдай қотиб қолди. Ичкарида тиззасигача лойга ботган Шавкатжон деворни суваш билан овора эди. Ҳаво анча совуқ бўлишига қарамай, Шавкатжон лой чангаллаб, ҳафсала билан ишларди...

«Навбатчилик» сирини энди тушуниб етган Сайёранинг қулоқларига тўйдан олдинги учрашувда Шавкатжоннинг айтган сўзлари эшитилгандек бўлди: «Бир кунлик тўй учун шунча чиқим қилишнинг нима кераги бор?... Хафа бўлма, ҳаммаси сен айтгандек бўлади!»

Сайёра жондан азиз инсонини не кўйларга солиб қўйгани, бемаъни орзу-ҳавасларни деб, эрининг гарданига каттагина қарз юклаганини пайқаб унсиз йиғлай бошлади. Шавкатжон эса бугун бу ердаги ишини тугатиб, эртага бошқа ерда бетон қуйишга боришини, шу зайл ишлаб турса баҳоргача қарздан қутилишини ўйлар, берилиб ишлаётгани боис ўзини кузатиб юмюм йиғлаётган хотинини пайқамасди...

ГУЛҲАЁТ

Қонун моҳияти

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ

Инсоният азал-азалдан табиий офатлар қаршисида ўзини ожиз ҳис қилган. Техника юксак даражада тараққий этган замонамизда ҳам бирор мамлакат фавқулодда вазиятлардан тўла-тўкис кафолатланган эмас. Табиий офатнинг катта-кичиги бўлмайди, у мавсум, жой ва вақт ҳам танламайди. Айрим мамлакатларда жазирама иссиқ ҳукм сурса, баъзи ўлкаларда кутилмаганда сел ва сув тошқинлари юз бермоқда. Қайси бир ўлкада ёнғин, бошқасида ер силкиниши, баъзиларида эса кўчки ҳодисалари ҳам кузатилаётир.

Мамлакатимизда аҳоли ва ҳудудларни турли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, аҳолининг бундай ҳолатларга тайёргарлигини ташкил этиш, иқтисодиёт объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш борасида қатор қонунлар, қарорлар қабул қилинган. Жумладан, Фуқаро муҳофазаси соҳасини янада такомиллаштириш мақсадида яқинда «Аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонундан кўзланган асосий мақсад аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда табиий ва техноген вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ҳамда фавқулодда вазиятлар рўй бериши ва ёйилишининг олдини олиш, бундай ҳодисалар келтирадиган талофатларни камайтириш, бартараф этиш, моддий ва маданий бойликларни муҳофаза қилишдан иборатдир.

— Ҳар йили декабр ойининг сўнгги ўн кунлигида мамлакатимиз ҳудудларида келаси йил давомида юзага келиши эҳтимоли бўлган табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг узоқ муддатли, ҳар чоракнинг сўнгги ўн кунлигида ФВДТ(фавқулодда вазиятлар давлат ташкилоти)нинг мониторинг ва башоратлаш билан шуғулланувчи хизматларидан келиб тушган маълумотлар чуқур таҳлил қилиниб, хавф мавжудлиги аниқланса, қисқа муддатли башорат маълумотлари тайёрланади ва вазирлик раҳбариятига тақдим этилади, — дейди вазирликнинг Фавқулодда вазиятларда бошқарув маркази мониторинг ва башоратлаш хизмати бошлиғи, капитан Бобомурод Қурбонов. — Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида республикамиз ҳудудларида жами 89 та фавқулодда вазият содир бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (2009 йилда 161 та) 44,7 фоизга камайган. Шундан 67 таси техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (2009 йилда 107 та) 37,4 фоиз кам демакдир. Шунингдек, 22 таси табиий хусусиятли фавқулодда вазиятларни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (2009 йилда 54 та) 59,3 фоизга камайган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзгидромет ва Давлат кўчкиларни кузатиш хизмати томонидан олиб борилган мониторинг ва башорат маълумотлари асосида мамлакатимиз ҳудудларида юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларнинг хавфи тўғрисида аҳолини ўз вақтида хабардор этиш мақсадида уяли алоқа компаниялари орқали «СМС» хабарлар мунтазам равишда юборилмоқда. Бу ўз навбатида, аҳоли хабардорлигини таъминлаб, турли нохуш ҳодисаларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Республикамиз майдонининг катта қисми сейсмик фаол ҳудудда жойлашгани, зилзила, сел ва сув тошқинлари, тупроқ ва қор кўчкилари, тоғлардан тош тушиши ҳодисалари билан боғлиқ табиий офатлар юз бериши эҳтимоли мавжудлиги бу борада етарли маълумотга эга бўлишимизни талаб этади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва унинг қуйи тузилмалари томонидан табиий офатларнинг олдини олиш, уларнинг зарарли оқибатларини бартараф этиш, бундай вазиятларда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш борасида ҳар йили қатор тадбирлар ишлаб чиқилиб, татбиқ этилмоқда. Жойларда кўплаб қўмондонлик-штаб ҳамда тактик-махсус ўқув машқлари режага асосан мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган ва умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган ўқувчиларни фавқулодда вазиятлар таснифи билан таништириш, уларга қалтис вазиятларда ҳимояланиш усулларини қўллаш қоидаларини ўргатиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Феруза ЭГАМОВА,
«Mahalla» мухбири.

Бир ўлкаки

ЧАШМАСИДА НУР, ЗАМИНИДА ҲИКМАТ МУЖАССАМ

... Қадимий Нур Турон заминининг тарихий шаҳарлари силсиласига киради. У Шарқу Ғарбни боғлаган "Буюк ипак йўли"нинг муҳим манзили ҳисобланган. Унинг гўзал Чашмаси қадимий сув иншооти – ер ости коризлари, Нур қалъаси (Арк), Катта гумбазли ва "Чил устун" (Қирқ устун") масжидлари... Асрларки, кишилар бундай меъморий ёдгорликлар ва табиат инъоми бўлмиш Чашмадан баҳраманд бўлиб келишади.



Қадимий Нур Чашмаси асрлар мобайнида кишиларга обиҳаёт улашиб табаррук заминга ҳаёт, нур бағишлаб келади. Чашма таърифи Машриқдан Мағрибга кеттан. У денгиз сатҳидан 530 метр баландликда — Оқтов тизма тоғларининг ғарб томонида жойлашган. Суви тоза, зилол: рангсиз, ҳидсиз, юмшоқ, шифобахш. Сувнинг ҳарорати ҳам ҳайратомуз: қишин-ёзин бир хил, яъни 19,5 даражада сақланади. Миқдори бир лаҳзада 250-270 литр сув сиғимини ташкил этади, албатта, сув миқдорининг кўп ёки озлиги фаслларнинг қандай келишига ҳам боғлиқдир.

Нурота замини ва унинг Чашма мажмуаси ҳам мустақиллиқнинг нурли эпкинларидан баҳраманд бўлган муқаддас қадамжолардан бири. 2009 йилнинг август ойида Навоий вилояти ҳокимининг ташаббуси билан ушбу мажмуада бошланган қайта таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари якунланиш арафасида.

Мажмуанинг нуфузи ва салоҳияти кириш дарвозасидан бошланади. Қадимий ва миллий услубдаги нақшинкор, ўн икки устунли уч қисмдан иборат арк шаклидаги бу дарвозадан ичкарига қадам қўйилар экан, жозибали гуллару майса гиламлар ястанган майдон киши эътиборини ўзига тортади.

Лойиҳани ишлаб чиқишда мажмуа тўртта шартли ҳудудга бўлиб чиқилди. Аввало, Чашмага келувчиларни қабул қилиш жойи, сўнгра шарқона услубдаги кириш майдони хиёбон шаклида бунёд этилди. Бундан ташқари марказий майдон ва унинг маркази, беш панжа шаклидаги "Нургулота" қудуғида, "Кўкгумбаз" масжидида иш олиб борилди. Шунингдек, бу ерда 64 метрли миллий ўймакорлик услубидаги айвон ҳам бунёд этилди. Улар қадимдан мавжуд бўлган "Чилустун" жомеъ масжиди билан бирлаштирилиб, яхлит марказий майдон шаклига келтирилди ва зиёратчилар учун қулай ҳаракатланиш имконияти яратилди.

Шунингдек, Чашманинг жанубий томонидаги тоғ тизмалари ёнидаги тарихий қалъа қолдиғи бевосита мажмуага келувчиларни қизиқтириши эътиборга олиниб, ушбу қалъада ҳам қурилиш-ободонлаштириш ишлари бажарилди.

"Чилустун"нинг том қисмида йигирма бешта гумбаз бор. Улар ҳар бирининг айланаси 18-20 метрни ташкил этади. Ушбу ноёб қурилманинг эътиборли томони шундаки, ўртадаги катта гумбаз офтобнинг айланишига қараб беш маҳал намознинг вақтини белгилаб берган. Яъни у соат ўрнини ўтаган. Аждодларимизнинг бу қадар кучли ақлидроки нафақат юртдошларимиз, балки хориждан зиёратга таштриф буюрган сайёҳларнинг ҳам ҳайратини оширмоқда.

Айни пайтда Чашма зиёратгоҳида қайта таъмирлаш, қурилиш-ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари давом этмоқда. Эндиликда зилол ва шифобахш Чашма суви ариғига уч йўналишдаги зинапоя орқали тушиб бориш мумкин. Чашманинг бошланиш қисмидаги катта ариқнинг икки томони эса оқ мармар билан безатилган. Мажмуанинг ғарбий томонидан узунлиги 120, баландлиги 4,5, эни эса 1,2 метрдан иборат тош девор барпо этилди. Ушбу девор Чашма зиёратгоҳига ўзгача чирой, салобат бахш этган.

Амалга оширилган бундай улуғвор ишларда илму ҳикмат эгаси бўлган моҳир усталару маҳаллий аҳолининг хизматлари беқиёс бўлди. Бу савоб ишдан ҳеч ким ўзини четга олмади. Нурота тумани маҳаллаларидан ҳар куни 210-250 нафар фуқаро мунтазам равишда ҳашарда қатнашди. Улар қурувчи, чўпон, муаллим, фахрий, тадбиркор ва бошқа касб соҳиблари бўлиб, маънавий ва моддий ёрдамларини аямасдан меҳнат қилдилар.

Нурота азал-азалдан ўзининг миллий ҳунармандчилик буюмлари билан нафақат республикамиз аҳли, балки дунёни лол қолдириб келмоқда. Мана, неча-неча асрларки, Нурота каштадўзлари ўзлари яраттан сўзана, ойна халта, такияпўш каби бири биридан гўзал ва санъат даражасига етказилган маҳсулотлари билан қатор халқаро кўргазмаларда хорижликларни ҳайратга солиб келмоқдалар. Нуротанинг Ғазғон қўрғонидаги усталарнинг эса тоштарошлик амалий санъати, хусусан, тош ва мармардан ясаган лаган, чойнак, пиёла ва бошқа буюмлари харидоргирлиги билан ажралиб туради. Бундай табиий ва инсон қўли билан яратилган маҳсулотларни кўриб ҳайратланасан, киши.

Миллий урф-одат, анъана ва қадриятлар қадрланиб, ривожланиб келаётган Нурота заминида яқинда яна бир янгилик рўй берди. Вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши йиғилишида Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг таклифи маъқулланиб, Нурота туманини маънавий-маърифий ишлар намунали ташкил этилган "Юксак маънавият ҳудуди"га айлантириш юзасидан қарор қабул қилиниб, кенг қамровли маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш асосий вазифа этиб белгиланди. Бу Нуротанинг азалий маънавият бешиги саналганлигига жуда-жуда ҳамоҳанг бўлди. Дарвоқе, мустақиллик туфайли қайта яшариб, ўзгача кўркамлик ва улуғворлик касб этган Нурота ва ундаги қадимий зиёратгоҳлар кундан кун чирой очиб, барчани ўзига чорламоқда.

Дилбар РАЗЗОҚОВА,
«Mahalla» мухбири.

"Mahalla" жавоб беради

ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ БОРМИ?

САВОЛ: — Яқинда янги турар-жой сотиб олган эдим. Хонадонга электр токи ўтказилмаган экан. Шу сабабли мен вақтинча қўшнимнинг томорқаси орқали уйимга электр симларини олиб ўтишни режалаштирдим. Чунки ҳовлим чекка ҳудудда жойлашгани боис фақат шу йўл орқали электр токини ўтказиш мумкин эди. Бироқ янги қўшним бунга рози бўлмаяпти. Айтинг-чи, электр токини олиб ўтиш учун қўшнимнинг еридан фойдалансам бўладими?

Т. ОТАЖОНОВ.
Уйчи тумани.

ЖАВОБ: — Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган. Унга кўра шахс қўшни бўлган бир ёки бир неча ер участкаларидан чекланган тарзда фойдаланиши мумкин. Яъни бу ҳуқуқ доирасига: ўзганинг ер участкаси орқали пиёда ёки транспортда ўтиш; участкадан электр узатиш, алоқа линиялари ва қувурлар, ирригация, муҳандислик ва бошқа линиялар ҳамда тармоқлар ўтказиш ва улардан фойдаланиш; экинзор ва молларни суғориш учун сув олиш; молларни ҳайдаб ўтиш; қидирув, тадқиқот ва бошқа ишларни бажариш учун вақтинча фойдаланиш; иҳота дарахтлари экиш ва табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли бошқа объектлар барпо этиш киради.

Ушбу ҳаракатлар доимий бўлмай, қонунда белгиланган вазиятларда, албатта, мулк эгасининг розилиги билан амалга оширилади. Чунки Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида шахс ўзига қарашли мол-мулкка ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқи бузилишини бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга экани кўрсатиб ўтилган.

МАШИНАНИ АЙРИБОШЛАШ МУМКИНМИ?

САВОЛ: — Мен ўз номимдаги "Нексия" машинасини "Матиз" машинасига айрибошламоқчи эдим. "Матиз" эгаси нархлардаги тафовутни нақд пул билан тўламоқчи. Бунинг учун шартнома тузишим керакми?

О. РАҲМАТОВ.
Олмалиқ шаҳри.

ЖАВОБ: — Бу ҳолатда айрибошлаш шартномасини тузиш мақсадга мувофиқ саналади. Бундай шарномага кўра бир тараф бошқа тарафга бир товарни (мол-мулкни), шу жумладан, кўчмас мулк ва автомототранспорт воситаларини бошқа товарга (мол-мулкка), шунингдек, кўчмас мулк ва автомототранспорт воситаларига алмаштириш йўли билан мулк қилиб топшириш мажбуриятини олади.

Фуқаролик кодексининг 498-моддасида белгиланишича, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, айрибошланадиган товарлар тенг қийматли, деб тахмин қилинади. Уларни топшириш ва қабул қилиш харажатларини тегишли мажбуриятларни бажарадиган тараф амалга оширади.

Айрибошлаш шартномасига мувофиқ, алмаштириладиган товарлар тенг қийматли эмас, деб топилса, агар шартномада ҳақ тўлашнинг бошқача тартиби назарда тутилмаган бўлса, баҳолардаги фарқ кечиктирилмасдан тўланиши лозим.

Айрибошлаш шартномасига нисбатан, агар қонун ҳужжатларига ва айрибошлаш моҳиятига зид келмаса, тегишлича олди-сотди тўғрисидаги қоидалар қўлланилиши мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос Жаҳонгир АБДУРАИМОВ жавоб берди.

Қулайлик

БОЛАЛАР УЧУН ТУҲФА

Яккасарой туманида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ташаббуси билан йигирма йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган 5-сонли «Наврўз» мактабгача таълим муассасаси капитал таъмирдан чиқарилди.

Вазирлик ва ҳомийлар маблағи ҳисобига боғча тубдан янги қиёфа касб этди. Икки қаватли бино замонавий асосда қайта қурилиб, атрофи ободонлаштирилди. Бу ерда юртимиз иқлимига мос гуллар, кўчатлар экилди. Кўзни қувнатадиган ям-яшил майдончаларда болажонларнинг севимли ўйин мосламалари, турфа шаклдаги уйчалар ўрнатилди.

Кенг ва ёруғ хоналар мактабгача таълим муассасаси учун зарур бўлган мебель жиҳозлари, ўқув дарсликлари билан таъминланди. Барча гуруҳ хоналарига сўнгги русумдаги телевизорлар ўрнатилди. Ошхона ва маиший хоналар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Алоҳида ажратилган тиббиёт хонаси болажонларни доимий равишда шифокор назоратида бўлишига имкон беради.

Айниқса, боғча ҳовлисида ташкил этилган чўмилиш ҳавзаси, турфа паррандалардан жамланган жонли табиат бурчаги ҳамда эртаклар қаҳрамонларининг ёрқин бўёқларда акс этган ҳайкалчалари болалар эътиборини ўзига жалб этмай қолмайди. Ҳовли тўридаги улкан бургут пойидан сизиб чиқаётган сунъий шаршаранинг саси қулоққа хуш ёқади.

— Невараларимни бу ерга келтирганимда, очиғи, боғчани таниёлмай қолдим, — дейди биз билан суҳбатда Юнус Ражабий номидаги маҳалла фаолларидан бири Қобилжон ота Иноғомов. — Барака топишсин, жуда файзли қилиб бунёд этишибди. Ана шундай бунёдкорликларнинг бошида турган инсонларга раҳмат.

Мактабгача таълим муассасаси 160 нафар бола учун мўлжалланган бўлиб, унда ўттиз нафардан зиёд ходим меҳнат қилади. Бу ерда тегишли меъёрий таълим билан бир қаторда, хореография ва инглиз тилидан ҳам машғулотлар ўтказилади.

Норали ОЧИЛОВ,
ИИВ Матбуот маркази бош инспектори.

Тадбир

ЯНГИ ҚОНУН ТАРҒИБОТИГА БАҒИШЛАНДИ

Юртимиз истиқлолга эришган илк кунларданоқ ёшлар таълим-тарбиясига, хусусан, вояга етмаганлар масаласига катта эътибор қаратилди. Таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар натижасида кўркам ва замонавий касб-ҳунар коллежлари ва лицейларнинг барпо этилиши, болалар спортини ривожлантириш, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада ўйинларини мунтазам ўтказишга катта эътибор қаратилаётгани, бунинг ёрқин далилидир.

Яқинда кучга кирган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонун ёш авлодни тарбиялаш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Ҳозир мамлакатимизнинг бошқа жойларида бўлгани каби Сурхондарёда ҳам вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва вилоят прокуратураси ташаббуси билан янги қонунни жойларда тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Унга кўра йил охирига қадар Термиз шаҳридаги ва барча туманлардаги таълим муассасалари ҳамда маҳаллаларда мазкур қонун мазмун-моҳиятига бағишланган семинарлар ташкил этиш, вилоят телевидениеси ва бошқа оммавий ахборот воситаларида мутасадди ташкилотлар мутахассислари иштирокида давра суҳбатлари ташкил этиш мўлжалланган.

Бундан ташқари «Соғлом ҳаёт сари», «Биз соғлом турмуш тарзини танлаймиз» каби мавзуларда ёшлар сайллари, турли қизиқарли форумлар, акция ва спорт мусобақалари ўтказиш режалаштирилган.

Мана шу режага асосан, жорий йилнинг 26 октябрида Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг катта мажлислар залида вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, вилоят маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг тарғиботига бағишланган семинар ташкил этилди. Соҳага доир муҳим статистик маълумотлар, ўтказилаётган чора-тадбирлар натижаси ва қилиниши лозим бўлган амалий ишлар борасидаги таклиф, мулоҳазалар иштирокчиларга манзур бўлди.

Тадбир давомида йиғилиш иштирокчиларини қизиқтирган саволларга мутасаддилар томонидан атрофлича жавоб берилди.

Моҳигул АЗИМОВА.

ДИҚҚАТ: «ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ»!

«Ҳурматли ҳамюртлар! Маълумки, қиш фаслида бошқа фаслларга нисбатан фуқароларнинг иситиш мосламаларига эҳтиёжлари бир мунча ортиб, ёнғин хавфи кучайишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 ноябрдаги 710-Ф сонли фармойишига асосан, Республикада 15 ноябрдан 15 декабргача «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади. Фармойишда кўрсатилганидек, ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад *«иқтисодиёт тармоқлари объектларида ва аҳоли турар-жойларида ёнғин хавфсизлиги тадбирларини кучайтириш орқали содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш, улар оқибатида юзага келиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларни кескин қисқартириш ҳамда фуқаролар орасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини кенг тарғиб этиш»* дир.

Азиз ватандошлар! Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишларингизни сўраган ҳолда таъкидлаймизки, бу давр мобайнида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб Сиз нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» тадбирларининг ўтказилишида фаол иштирок этган ташаббускор юртдошларимизга олдиндан самимий миннатдорлик билдиради.

Хабарлар

Дзюдо: РИФАТНИНГ МАРОККОДАГИ МЕДАЛИ

Марокконинг Агадир шаҳрида дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати мамлакатимиз спортчилари учун муваффақиятли якунланди.

Дунёнинг 50 дан зиёд давлат спортчилари қатнашган мазкур мусобақада ҳамюртимиз Рифат Раҳматуллаев 66 кг. вазнда муносиб иштирок этиб, бронза медалига мушарраф бўлди. У 3-ўрин учун кечган баҳсларда Россия вакили Арсен Толасов ва тунислик Хокем Холфауни мағлуб этди. Яна бир ўзбекистонлик спортчи Муҳаммадюсуф Ҳайдаров ярим финал баҳсида японияли спортчига имкониятни бой бериб, 7-ўрин билан кифояланди.

Муҳими, Агадирда ўтган беллашувлар юртимиз ёш дзюдочиларининг халқаро майдондаги тажрибалари ошишига хизмат қилди.

Самбо: "ЖАР"ДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ

Мамлакатимиз пойтахти Тошкентда самбо бўйича Жаҳон чемпионати зўр муваффақият билан ўтказилди.

Дунёнинг 40 га яқин мамлакат вакиллари қатнашган чемпионатда юртимиз спортчилари муносиб ютуқларга эришишди. Вакилларимиз жанговор, спорт ва аёллар самбоси баҳсларида 1 та олтин, 3 та кумуш ва 11 та бронза медаллари шодасига эгалик қилишиб, умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллади. Айниқса, Саттор Эргашевнинг истеъдодини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу спортчининг ғалабаси шарафига жаҳон чемпионатида Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради. Мамлакатимиз спортчиларидан шунингдек, Шавкат Жўраев, Фурқат Рўзиев, Сардор Шавриқов, Илҳом Сотиволдиев, Элдор Ғуломов, Зариф Расулов, Соҳиба Эштемирова, Гўзал Ҳайдарова, Шуҳрат Бобоев каби спортчилар ҳам совринли ўринларни эгаллашди.

Каратэ: СЕРБИЯ ЙЎЛЛАРИ ГУАНЧЖОУГА ОЛИБ БОРАДИ

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 12-27 ноябрь кунлари Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида Осиё ўйинлари бўлиб ўтади.

Мамлакатимизнинг бошқа спорт турлари қаторида юртимиз каратэчилари ҳам ушбу нуфузли спорт анжуманида муносиб иштирок этишни режалаштирган.

Ўзбекистон каратэ федерацияси раҳбари Алам Муллаев раҳбарлигида спортчиларимиз куни кеча Сербияда ўтган жаҳон чемпионатида қатнашишди.

Ифтихор

МАТОНАТ ВА ИРОДА ҒАЛАБАСИ

< [1]

Муросасиз баҳсларнинг саралаш беллашувларида вакилларимиз Бразилия, Эрон терма жамоалари футболчиларидан устун келиб, кейинги босқич беллашувларида Англия чарм тўп усталарини 6-1, Туркия терма жамоасини 2-1 ҳисобларида доғда қолдиришди. Финал учрашувида эса Аргентина вакилларини (3-1) 2-ўрин билан кифояланишга мажбур этган ўзбек йигитлари бош совринни қўлга киритдилар. Финал учрашувидаги голларга ҳамюртларимиз Ҳайдарали Турсунбоев(2 та тўп) ва Қудрат Худойқулов муаллифлик қилди.

— Ногиронлигига қарамай, спорт билан мунтазам шуғулланиб, халқаро спорт майдонларида Ватанимиз шарафини улуғлаётган ёшларнинг шижоати ва матонатига тасаннолар айттинг келади, — дейди Ўзбекистон миллий параолимпия ассоциацияси вице-президенти Умид Аҳмаджонов. — Шундай инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жамиятимиздаги соғлом фикрли инсонларнинг асосий вазифаси. Эътиборлиси, спортчиларимизга шароит яратиб беришда бизга хамиша жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла фаоллари яқиндан ёрдам бериб келаётгани, хайрихоҳлик кўрсатаётти муваффақиятларга эришишимизда омил бўлмоқда. Айтишим керакки, йигитларимизнинг Аргентинада чемпионликка эришишида улар яшаётган маҳалла-кўйнинг ҳам алоҳида ҳиссаси бўлганини эътироф этиш керак. Шунингдек, республика "Маҳалла" жамғармаси бошқаруви томонидан ҳам эътибор кўрсатилгани спортчиларимизни беҳад шод этди.

Меҳр инсонни улуғ мақсадлар сари чорлайди. Бугун мамлакатимизда профессионал спортчилар қаторида ногирон спортчиларга ҳам кўрсатилаётган эътибор уларнинг улкан ғалабаларига замин яратмоқда. Жаҳон чемпионлигига эришгани муносабати туфайли матонатли спортчиларнинг бир гуруҳи Ўзбекистон Президентининг фармонига биноан юксак давлат мукофотлари билан тақдирланди. Ўзбекистон ногирон футболчилар терма жамоаси бош мураббийи Рустам Қориев "Дўстлик" ордени билан, терма жамоа аъзолари Ҳайдарали Турсунбоев, Муҳаммадазиз Арабов, Умарали Рустамов ва Қудрат Тўрахўжаев "Жасорат" медалига мушарраф бўлишди.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, бундан уч йил муқаддам Туркияда ўтган жаҳон чемпионатида ҳам Ўзбекистон ногирон футболчилари матонат кўрсатиб, чемпионлик шоҳсупасини эгаллашганди. Бу ғалабалари шарафига терма жамоа аъзоларидан Азиз Абдураҳмонов, Ҳайдарали Турсунбоев, Абдужалил Шукуров ва мураббий Анвар Исмоилов Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишганди.

— Ватанни улуғлаш, халқаро майдонда унинг шарафини муносиб ҳимоя қилиш ҳар бир спортчининг улкан орзуси, — дейди «Жасорат» медали соҳиби Ҳайдарали Турсунбоев. — Шу жиҳатдан биз бахтиёр спортчилармиз. Улкан орзуимиз рўёбга чиқди. Халқимиз ишончини оқладик. Фурсатдан

фойдаланиб, биз спортчиларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаган давлатимиз раҳбариятига, Ўзбекистон ногирон спортчилар ассоциациясига, республика "Маҳалла" жамғармаси бошқарувига ва барча-барча фидойи инсонларга ўз миннатдорлигимизни билдирамиз. Ниятимиз, кейинги жаҳон чемпионатида ҳам зафар қучиш.

Нияти холиснинг истаги ижобат бўлади, деганларидек мамлакатимиз спортчилари дунёнинг қайси бир мамлакатида нуфузли спорт мусобақаси ўтказилса, ўша ерда, албатта, Ўзбекистон номи эътироф этилади. Буларнинг барчаси орзуларимизнинг осмони мусаффолигидан, спортчиларимизнинг истак-хоҳишлари халқимиз умидлари билан муштараклигидан далолатдир.

Т. РЎЗИЕВ.

Болалар спорт майдончалари

МАЖМУАМИЗ ҲАМИША ГАВЖУМ

Болалар спортини ривожлантириш, умуман, жисмоний тарбияга катта эътибор қаратиш мақсадида Хоразм вилоятида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Уч йил муқаддам Янгиобод шаҳарчаси кўркини бузиб турган, янтоқ ўсиб ётган кўримсиз жой бугунги кунда кўзни қувонтиради, кўнгилни яйратади. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан бу ерда қад ростлаган спорт майдончаси ёш авлод баркамоллигига хизмат қилмоқда. Мажмуада спортнинг 10 тури бўйича машғулотлар ўтказилади. «Бинокор», «Гулистон», «Гулирайҳон» маҳаллалари ёшлари бўш вақтида ушбу масканда спорт билан шуғулланмоқда.

— Бу спорт мажмуамизга айни пайтда 800 га яқин ўқувчи-ёшлар қатнашмоқда. Бокс, футбол, бадиий гимнастика, шахмат-шашка бўйича вилоят, республика миқёсларида ўтказилаётган мусобақаларда ғолиб бўлаётган ёшлар сафи кенгаймоқда. Зафар Тоҳиров, Муҳаммад Икромов, Жавоҳир Қутлимуродов футбол, Жамшид Отаев бокс, Камола Отажонова, Севинч Қобулова, Мафтуна Исмоиловалар бадиий гимнастика, Беҳзод Исмоилов, Бобур Абдушарипов кураш, Шуҳрат Эркинов, Лобар Жабборова, Моможон Бекдурдиевалар волейбол бўйича мусобақаларда ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда, — дейди «Гулистон» маҳалласи оқсоқоли, «Эл-юрт ҳурмати» ордени нишондори Саъдулла Отажонов. — Туман ҳокими соврини учун ўтказилган мини футбол, «Отам, онам ва мен спортчилар оиласимиз», «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Футболимиз келажаги» каби беллашувларда маҳалламиз ёшлари фаол иштирок этиб, совринли ўринларга сазовор бўлиб келмоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам, бу спорт мажмуаси қурилгунга қадар спортсевар ёшлар бир неча чақирим узоқдаги шаҳар спорт тўгаракларига қатнашарди. Туман ҳокимлиги, Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими, маҳалла тадбиркорлари ҳомийлигида ҳашар йўли билан қурилган бу иншоот бугунги кунда ўғил-қизлар билан гавжум.

Спорт инсон камолотига, унинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қиладиган омилдир. Шундай экан, ҳар биримиз спорт ва жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланмоғимиз, фарзандларимизни ҳам болалигиданоқ спортнинг бирор турига қизиқтиришимиз лозим. Улар учун яратилаётган шарт-шароитлар улкан ютуқларни қўлга киритишида кенг имконият эшикларини очиб беришига шак-шубҳа йўқ.

Абдулла САФОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Кўргазма

ТАДҚИҚОТЛАР МОЗИЙДАН СЎЗЛАР

Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Термиз археология музейи йил сайин янги ва ноёб экспонатлар билан бойиб бормоқда. Музей илмий ходимларининг саъй-ҳаракатлари, изланишлари натижаси ўларок, музей хазинаси кўплаб осори-атиқалар билан тўлдирилди.

Яқинда Термиз археология музейида «Марказий Осиёда археологик тадқиқотлар», деб номланган кўргазма бўлиб ўтди. Кўргазмада асосан жез даври маданиятига оид топилма ва маълумотлар, суратлар ўрин эгаллади. Шунингдек, Бандихон туманидаги Майдатепа, Ғозимулла, Кинди-ктепа, Ялангтўштепа, Қаҳрамонтепа каби обидаларда олиб борилган қазиш ишлари жараёнида топилган жез даврига оид турли буюмлар, суратлар намойиш этилди. Кўргазманинг тантанали очилиш маросимида германиялик таниқли археолог олим Н.Боровканинг чиқиши барчада катта қизиқиш уйғотди. У Бойсун туманидан топилган милоддан олдинги IV асрга оид Кўрғонзол қалъасининг компьютерда ишланган кўринишини намойиш этди.

Шуниси диққатга сазоворки, немис қадимшуносларининг ўзбек археологлари билан Сурхон воҳасидаги қадимий ёдгорликларда қазиш ишларини бир неча йиллардан бери ҳамкорликда олиб бормоқдалар. Таниқли тарихчи олим Дитрих Хуфф бошчилигидаги гурух Шеробод туманидаги энг қадимий шаҳар — Жарқўтонда. Франция археология илмий маркази археологлари Термиздаги Қоратепада изланишлар олиб бораётган бўлса, Мюнхен университети олими Кай Канют бошчилигидаги немис қадимшуносларининг Шеробод туманидаги Тиллабулоқ ёдгорлигида археологик қазиш ишларини давом эттирмоқдалар.

Моҳигул АЗИМОВА.

Сиз нима дейсиз?

ТЕЛЕФОНДА КИМ ҚАНДАЙ ГАПЛАШАДИ?

Уйда: беш ёшли қизчанинг туғилган кунида қизиқ ҳангоманинг гувоҳи бўлдим. Уй эгаси телефонда гаплаша туриб, меҳмонга келган болалар билан ўйнаб ўтирган қизчасини чақирди:

— Моҳинур, сени бобонг телефонга чақираяпти, туғилган кунинг билан табрикламоқчи экан, — деди.

Қизча эса ҳаммани ҳайрон қолдириб:

— Мени уйда йўқ денг, ҳаммомда чўмиляпти, деб айтинг, — деса бўладими?! Катта ёшдагилар унинг гапига қотиб-қотиб кулишди. Унинг жавоби қулгили эшитилган бўлсада, бир жиҳати ўйлантиради: қизалоқ биз катталарга тақлид қилмаяптими? Гарчи арзимасдек кўринган бундай ҳолат билан болаларимизни ўзимиз ёлғончи қилиб қўймаяпмизми? Негаки, баъзида телефон орқали фарзандларимиз олдида кимнидир бемалол ғийбат қиламиз, қоралаймиз, бундай ҳолат бола тарбиясига салбий таъсир қилмасмикан? Улар ҳам ғийбатни, одамларни қоралашни, бошқалар ҳақида салбий фикрлашни оддий ҳолга айлантириб олмаганмикан? Телефонда гаплашиш маданиятини билмаганлигимизнинг оқибати эмасми бу? Баъзида телефон қилган одамнинг дабдурустдан «Ким бу?», «Мен қаерга тушиб қолдим?!..», «Фалончининг уйига тушдимми?» дейиши ёки адашиб тушиб қолса-да узр сўрамай гўшакни қўйиб қўйиши асабингизни бузади.

КЎЧАДА: Йўлда кетаётиб орқадан эшитилган бақир-чақирдан кимдир муштлашаяпти, деган ҳаёлга бордим. Не кўз билан кўрайки, бир йигит қўлини пахса қилганча телефонда шунақанги гапларни гапираяптики... эшиттан одам хижолатдан, уятдан ўзини қаерга уришни билмай қолади. Японияда телефон орқали жамоат жойида сўкишган, бақиришган одамларга жарима солинаркан. Тўғри-да, жамоат жойида одамларнинг хаёлини бузиш, уларга беписанд қараб сўкишиш, уят гаплар айтиш бирор-бир қолипга сиғмайдиган ҳолат. Айниқса, уяли телефон урф бўлгандан бери бундай салбий ҳолатларга тез-тез дуч келаси. Яқинда бир қўшни аёл: «Шу телефонни чиқарганнинг отасига минг раҳмат. Ёмон кўрган одамингиз билан хоҳласангиз гаплашасиз, хоҳламасангиз гаплашмай қўя қоласиз. Айниқса, гап талашиб қолсангиз, телефон орақали қарғашингиз, сўкишингиз, ҳатто ҳақорат қилишингиз ҳам мумкин. Одамнинг юзи иссиқ, айтмоқчи бўлган гапларингизни юзига айтолмайсиз, шундай пайтда шу савил қолгур роса асқатади-да», деб қолди

Тўғри, кимдир бундай ҳолатда ғазабини телефон орқали сочиб енгил тортар, бирор кишини ғийбат қилиб хуморидан чиқар, лекин жамоат жойида-чи? Ўзгалардан истиҳола қилиш, бошқаларнинг ҳурматини сақлаш одоб-ахлоқ муомала маданиятига кирмайдими?

Автобусда: Ёнгинамда бир қўлида ғижимланган дафтар, иккинчисида телефонни тутамлаган йигитча кимгадир: «Менинг мазам йўқ, бугун дарсга боролмайман, уйда ётибман, илтимос айтиб қўй», деди. Кейин бошқа бировга телефон қилиб, «Мени фалон жойда кут, ҳозир етиб бораман», деб ваъда берди. Сал ўтмай яна жиринглаган телефонига, йигитча шошиб-пишиб: «Дада, мен дарсдаман, бугун 6 пара дарсим бор, амакимникига боролмайман, акамга айтинг, у бекор-ку», деди... Хуллас, ёнимдаги ҳамроҳим телефон орқали бир йўла анча ишини «битирди». Бироқ унинг қай бир гапи рост эканини топинг-чи? Хўш, бу йигитчанинг ўзига оддий ҳолдек туюлаётган ёлғончилик одати унга катталардан ўтмаганмикан?

Шу топда яна бир киши ҳаммага эшиттириб: «Ўв, менга қара, соққасини бераман, деб айтдим-ку», деди. Бошқа бир аёл эса автобусга чиққандан то тушиб кеттунича кимгадир бор дардини дастурхон қилди. Унинг телефон-ҳангомасидан бутун сир-асрори автобусдаги йўловчиларга аён бўлди. Ахир, одатда, икки киши ёнма-ён ўтирган бўлсак секин, шивирлашиб гаплашамиз, чунки ён-атрофдагилардан уяламиз. Нега энди телефонда гаплашаётганда атрофдагиларни унутиб қўямиз? Бундай қилиғимиз билан ўзимизни ҳам, ўзгаларни ҳам беҳурмат қилмаяпмизми?

Яна одамлар орасида: Тўю тантаналарда қариндошларимиз билан тез-тез кўришиб турамиз. Ахир, дийдорга нима етсин. Аммо... ҳар доим ҳам улар билан дил чигилини ёзиб, маза қилиб ўтирдик, деб айта оламизми? Йўқ-да. Сабаби, яна ўша учинчи одам, яъни телефон ортидаги танишимиз бизга халақит беради. Биз одатимизга кўра, ишдаги, шахсий турмушимиздаги муаммою чигал вазиятларни ҳасратлашаверамиз. Ахир телефон қилаётган кишидан узр сўраб, кейинроқ ўзим қўнғироқ қиламан, десак бўлади-ку...

Бундан ҳам ёмони сиз билан гаплашиб ўтирган ҳамроҳингизнинг гапини чала қолдириб, гапини бўлиб бошқа биров билан гаплашиб кетиш ёнингиздаги кишига оғир ботишини ўйлаб ҳам ўтирмаймиз.

Телефондан ножоиз фойдаланиш оқибатида жамоат жойида, турли одамлар орасида оилавий муаммо ва сирларингизни ўзингиз билмаган ҳолда ошкор қилиб қўймаяпсизми? Энг ачинарлиси, уялмай-нетмай яхши-ёмонни, бор-йўғимизни бемалол гапиравердиган бўлиб қолмадикми? Оқибатда атрофдагиларда нохуш таассурот қолдираётганимизни ҳеч ўйлаб кўрганмизми? Баъзида шивирлаб айтишга-да истиҳола қилинадиган гапларни элга дастурхон қилиш шартми? Бир-икки дақиқа гаплашсак-ку, майли, аммо 10, 15 ва ҳатто 30 дақиқалаб телефонда суҳбатлашишимиз қанчалик тўғри?

Биз телефоннинг жуда кўп қулайликларини инкор этмаган ҳолда ундан фойдаланишнинг меъёрлари, одоб-ахлоқ мезонларига мослиги хусусида кўнглимизни ўртаган саволлар тўғрисида озроқ мулоҳаза юритдик, холос. Биз учун муҳими бу ҳақдаги сизнинг фикрингиз, муносабатингиз. Хўш телефондан фойдаланиш тўғрисида сиз қандай фикрдасиз?

Барно СУЛТОНОВА.

Mahalla
ижтимоий-сиёсий ва маърифий ҳафталик газета
Муассис: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Телефонлар: 236-53-93 233-10-73 236-53-75, 236-57-62 Факс: — 233-39-89
www.mahallagzt.uz mahalla@sarkor.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма тобоқ.
Навбатчилар: Т.Акбаров, Ў.Худойқулов
Мусаҳҳиҳ: Г.Норчаева
Нашр кўрсаткичи: 148
15350 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-1013 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент, "Буюк Турон" кўчаси 41.